

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТДПУ ҳузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш
тармоқ маркази директори

_____ Н.Муслимов
“_____” 2015 йил

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Малака ошириш таълим йўналиши: **Ўзбек тили ва адабиёти**

Тузувчилар:

п.ф.д., проф. Х. Мухиддинова,
ф.ф.д., проф. Б. Тўхлиев

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	13
1-мавзу. Ўзбек тилини ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик, республикамизда ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари ва долзарб масалалари.....	13
2-мавзу. Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини тил компетенцияларининг халқаро даражаларига мувофиқлаштириш масалалари	28
3-мавзу. Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига кўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш.....	48
4-мавзу. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда замонавий ёндашувлар	60
5-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёт ўқитишининг долзарб масалалари	64
6-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёт ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик	69
7-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш	76
ГЛОССАРИЙ	82
АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ	84

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Кириш

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишида замонавий ёндашувлар” модулининг мақсади: тингловчиларнинг педагогик фаолиятга назарий, касбий тайёргарлигини таъминлаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ҳамда бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга қаратилган.

Тингловчиларни Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, илғор таълим технологияларининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, хорижий илмий-амалий тажрибалар, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, филолог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар:

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни;
- психиканинг ривожланишини белгилайдиган омиллар;
- филологик таълимнинг методологик базаси;
- бадиий асарнинг таркиби ва тузилиши, моҳияти, уни таҳлил қилишнинг умумий қонуниятлари;
- она тили ва адабиёт дарсларини ташкил этишининг замонавий шакл ва усуллари;
- она тили ва адабиёт таълимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;
- она тили ва адабий таълимдаги инновациялар;
- она тили ва адабиёт фанларини ўқитишида замонавий ёндашувларни билиши;
- она тили ва адабиёт фанларида мавзуга боғлиқ ҳолда ўқувчи ва талабаларни ўрганиш объектига йўналтира олиш;
- бунда ўқувчи ва талабаларнинг қизиқиш ва индивидуал қобилияtlарини ҳисобга олиш;

- уларнинг замонавий дарс жараёнларида ўзларини эркин ва фаол туга олиши; ўқувчи ва талабаларни билим олиш ва тарбиялаш, ривожлантиришга хизмат қиласиган шакл ва усуллардан фойдалана олиш;
- мутахассислик бўйича замонавий назарий ва методик **билимларга эга бўлиши**;
- дарс жараёнида турли метод ва усулларни, замонавий технологияларни қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши**;
- олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларини самарали ташкил этиш, илмий, методик ва ташкилий фаолиятни тизимли ривожлантириш, миллий ва хорижий фан ютуқларидан фойдалана билиш **малакаларини эгаллаши** лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари”, “Инновацион таълим технологиялари”, “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

Она тили ва адабиёт таълими йўналиши бўйича
“Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиша замонавий ёндашувлар”
 модулининг тақвимий-мавзулар
РЕЖАСИ

Т/р	Ўқув модулининг мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан				Мустакил таълим	Профессор-ўқитувчининг Ф.И.Ш.
				назарий	амалий	кўчма машгулот			
1.	Ўзбек тилини ўқитиша узвийлик ва узлуксизлик, республикамизда ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари ва долзарб масалалари	4	4	2	2				
2.	Ўзбек тилини ўқитиша замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини тил компетенцияларининг халқаро даражаларига мувофиқлаштириш масалалари	4	4	2	2				
3.	Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш	6	4	2	2			2	
4.	Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиша замонавий ёндашувлар	2	2	2					
5.	Ўзбек тили ва адабиёт ўқитишнинг долзарб масалалари	4	4	2	2				

6.	Ўзбек тили ва адабиёти ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик	4	4	2	2			
7.	Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойихалаштириш. Лойиха технологияси. Ўзбек тили ва адабиёти ўқув фанларининг мазмунини лойихалаштириш	6	4	2	2		2	
Жами		30	26	14	12		4	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ўзбек тилини ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик, республикамизда ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари ва долзарб масалалари (2 соат)

Ўзбек тилини узвийлик ва узлуксизлик асосида ўқитиш, ўзбек тилини она тили сифатида ва иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хосликлари, таълим босқичларида ўзбек тили таълимининг долзарб масалалари

2-маъруза: Ўзбек тилини ўқитишида замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини тил компетенцияларининг халқаро даражаларига мувофиқлаштириш масалалари (2 соат)

Тил таълими тамойиллари ва ўзбек тилини ўқитишида замонавий ёндашувлар, компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси, Давлат таълим стандартларини тил таълимининг халқаро компетенциявий даражалари асосида такомиллаштириш

3-мавзу. Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойихалаштириш (2 соат)

Олий таълимда ўзбек тилини ўқитишида қутилиб олган босқичлари билан узлуксизликни таъминлаш, нофилологик ОТМларда ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

4-мавзу. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишида замонавий ёндашувлар

Республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва адабий таълим. Ўқувчи ва талабаларнинг билимлари, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар ҳақида (**2 соат**).

5-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитишининг долзарб масалалари.

Ўзбек филологияси ва уни ўқитишининг бугунги ҳолати. Ечимини кутаёган муаммолар. Тил ва адабиёт таълимига оид янги адабиётлар таҳлили (**2 соат**).

6-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик.

Мактаб таълими. Ундаги асосий мавзу ва материаллар танлови ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал-ақлий ривожланиш имкониятлари. АЛ ва КҲҚдаги тил ва адабиёт таълими хусусиятлари. Олий таълимдаги филологик таълим. Қўшимча адабиётлар билан ишлаш методикаси. Олий таълим тизимида ўзбек тили ва адабиёти соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар (**2 соат**).

7-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш.

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш. Лойиҳа технологияси. Ўзбек тили ва адабиёти ўқув фанларининг мазмунини лойиҳалаштириш (**2 соат**).

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ва иккинчи тил сифатида ўқитишининг ўзига хосликлари, ўзбек тилини ўқитишида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 соат амалий**).**

Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиши йўналишлари: миллий мактаблар ва миллий гурӯхларда она тили сифатида ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ҳамда рус гурӯхларида иккинчи тил (давлат тили) сифатида ўқитишининг ўзига хос метод ва усуслари. Ўзбек

тилини ўқитишда таълим самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: оғзаки ва ёзма саводхонликни кўтариш, нутқ маданиятини яхшилаш, ўзбек тилини интенсив ўқитишга йўналтирилган таълим методларини ишлаб чиқиш.

2-мавзу. Ўзбек тилини коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитишни ташкил этиш. Таянч ва хусусий компетенциялар, уларни шакллантириш ва ривожлантириш (2 соат амалий).

Тилни коммуникатив асосда ўқитишининг анъанавий таълимдан афзалликлари. Ҳамкорлик методи таълим субъектларини фаоллаштиришнинг мухим омили сифатида.

Ўзбек тилини ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш. Таянч ва хусусий компетенциялар. Таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишда нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш. Лингвистик билимлар, кўникма ва малакалар воситасида талабалар нутқий компетенцияларини ривожлантириш.

3-мавзу. Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини такомиллаштириш ва лойихалаштириш (2 соат амалий).

Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда талабалар эгаллашлари керак бўладиган нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар. Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар асосида ўзбек тили ўқув фани мазмунини лойихалаштириш.

4-мавзу. Она тили ва адабиёт фанининг ғоя, назария, гипотеза, қонуният ва тамойиллари (2 соат амалий).

Она тили ва адабиёт фанининг мазмун ва моҳияти, назарий ва методологик асослари, илмий-тадқиқот методлари. Дарсларни ташкил қилишнинг шакл ва кўринишлари.

5-мавзу. Замонавий дарс шакллари (2 соат амалий).
Илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишлари бўйича малака ва кўникмаларни такомиллаштириш.

6-мавзу. Қадимги туркий адабиёт, мұмтоз адабиёт, жумладан, тасаввуф адабиёти намуналарини үрганиш хусусиятлари.

Уларни таҳлил қилиш намуналар (2 соат амалий).

XI аср Қорахонийлар даври ёзма адабиёт ёдгорликларини таҳлил қилиш. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони – фалсафий, таълимий-ахлоқий достон. Дунёни тасаввуфий идрок этиш. Исломий ахлоқ тарбияси: иймон, илм, адаб, саховат, ростгўйлик, халқقا наф етказиш каби нуқтаи назаридан кўриб чиқиб таҳлил қилиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Она тили йўналишидаги фанларни ўқитишда инновацион таълим технологияларининг ўрни ва аҳамияти.
2. Адабиёт йўналишидаги фанларни ўқитишда илғор тажрибаларни үрганиш усуллари.
3. Адабиёт йўналишидаги фанларни ўқитишда муаммоли таълим технологияларининг ўрни ва аҳамияти.
4. Она тили йўналишидаги фанларни ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик.
5. Она тили йўналишидаги фанларни ўқитишда мустақил таълимнинг ўрни.
6. Адабиёт йўналишидаги фанларни ўқитишда фанлараро интеграция.
7. Адабий таълимдаги муаммолар: уларни бартараф этиш усуллари.
8. Она тили таълимидаги муаммолар: уларни бартараф этиш усуллари.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёни:

- замонавий методларнинг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилишини;
- модулларнинг барча маъruzalari бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация

технологияларидан кенг фойдаланишни;

— тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришни назарда тутади.

Адабиётлар ва манбалар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. – Т.: 2008.–176 б.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон. 2011.–440 б.

II.

Норматив-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. –192 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. –180 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Т.: Фан, 2007.
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Фан, 2008.
6. Тоирова Г., Сафаров Ш. Нутқни социопрагматик ўрганиш асослари. –Жиззах, 2006.
7. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
8. Абдусаматов Х. Драма назарияси. – Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
9. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning birinchi bosqich o‘quvchilari uchun. Тузувчилар: В.То‘xliyev, B.Abdurahmonova. – Тошкент, Bayoz, 2014.
10. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning ikkinchi bosqich o‘quvchilari uchun. Тузувчилар: В. То‘xliyev, R. Mirsamiqova, O. Ametova. –Тошкент, Bayoz, 2014.
11. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning uchinchi bosqich o‘quvchilari uchun. Тузувчилар: В. То‘xliyev, T. Shermurodov, Sh. Isayeva. –Тошкент, Bayoz, 2014.
12. Дўстқораев Б. Бир мунозара тарихидан // Шарқ юлдузи, 1989, 6-сон.
13. Жаббор Эшонқул. Эпик тафаккур тадрижи. –Тошкент, Фан, 2006.
14. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. –120 бет.
15. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, –Тошкент, Фан, 2001. 46-66-бетлар.

16. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзаллиги. – Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. –14 б.
17. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, Ўқитувчи, 1999.
18. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент, Фан, 2007.
19. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
20. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари.–Тошкент, O‘zbekiston, 2006.
21. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Тошкент, Фан, 2006.
22. Сайидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
23. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Янги аср авлоди, Т.: 2006.
24. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: 1994.
25. Каюмов А. «Садди Искандарий» достонининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 84-103-бетлар.
26. Қахрамонов Қ. Адабий танқид янгиланиш жараёнлари. – Т.: 2010.
27. Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. – Тошкент, Шарқ, 2004.
28. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004.
29. Ҳаққул Иброҳим. Ким нимага таянади? Адабий сұхбатлар. – Тошкент, Зарқалам, 2006.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали:
www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
9. www.tdpu.uz.

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Ўзбек тилини ўқитиша узвийлик ва узлуксизлик, республикамизда ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари ва долзарб масалалари Режа

1. Ўзбек тилини узвийлик ва узлуксизлик асосида ўқитиш.
2. Ўзбек тилини она тили сифатида ва иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хосликлари.
3. Таълим босқичларида ўзбек тили таълим мининг долзарб масалалари

Таянч тушунчалар: узвийлик ва узлуксизлик, узлуксиз таълим тизими, ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари, она тили сифатида ўқитиш, иккинчи тил сифатида ўқитиш, тил материаллари, нутқий фаолиятнинг 4 амали, билим, кўникма, малакалар (БКМ)

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “*Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рӯёбга чиқаршишинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириши республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади*”¹ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Республикамизда “Таълим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” асосида таълим соҳасида ўтказилган ислоҳотларнинг бош вазифаси мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим турларини ўз ичига олган узлуксиз таълим тизимини яратиш ҳамда мажбурий умумий ўрта таълим дастурларидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими босқичларига, улардан эса олий таълим босқичларига босқичма-босқич ўтилишини таъминлашдан иборат.

Аввалги таълим тизимида умумтаълим дастурларининг икки жойида, яъни таянч синфлари (1–9) таълим дастурлари билан умумий ўрта таълим ҳамда бошлангич ва ўрта маҳсус таълим тизими дастурлари ўртасида “узилиш”лар мавжуд эди. Бу узилишлар натижасида таълим дастурларининг узвийлиги бузилган ва таълим босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди. Шу боис “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим босқичларини такомиллаштириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим меёрий хужжатлар тўплами, 1-қисм.- Т.: “Шарқ”, 2001. - 19-б.

масаласи қайта кўриб чиқилиб, республикамизда узлуксиз таълим тизимини жорий этиш учун таълим дастурларини уйғунлаштириш назарда тутилди.

Ўзбек тилининг давлатимизда тутган ўрни ва мақомидан келиб чиқиб, ўзбек тили республикамиз узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим босқичларида асосий фан сифатида узлуксиз ўқитилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони² асосида узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-услубий адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, бу муҳим ишга олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари³, “Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури”⁴, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта махсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли⁵, “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1-сонли қўшма ҳайъат мажлиси Қарорлари⁶, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг “Олий таълимнинг давлат таълим

² Таълим, тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида // Олий таълим: Меъёрий хужжатлар тўплами. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 17–52.

³ Олий таълим: Меъёрий хужжатлар тўплами. 2-қисм.– Тошкент: Шарқ, 2003.– 66-70- б.

⁴ Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури тўғрисида. –Тошкент: Маърифат, 2004 йил 21 май.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта махсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли қўшма қарори, 2008 йил 30 апрель. – Тошкент, 2008.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1-сонли қўшма ҳайъат мажлиси қарори, 2010 йил 1 июль. – Тошкент, 2010.

стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарорлари қабул қилинди.

Ушбу меъёрий хужжатларга биноан умумий ўрта таълим босқичидаги барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС) ва ўкув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Ўзбек тили таълими мазмуни ҳолда қуидаги таълим босқичлари бўйича узлуксизлик тамойили асосида тақсимланган ва мос ўкув дастурлари асосида ўқитилиши жорий этилган:

1. **Ўзбек тилини умумий ўрта таълим босқичида ўқитиш:**

- ўзбек тили таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфларида (2-4 синфлар) ўқитиш;

- ўзбек тили таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўрта ва юқори синфларида (5-9 синфлар) ўқитиш;

2. **Ўзбек тилини ўрта маҳсус таълим босқичида ўқитиш:**

- ўзбек тилини академик лицейларнинг таълим рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гурухларида ўқитиш;

- ўзбек тилини касб-хунар коллажларининг таълим рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гурухларида ўқитиш;

3. **Ўзбек тилини олий таълим босқичида ўқитиш:**

- ўзбек тилини филологик олий таълим муассасаларининг таълим рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гурухларида ўқитиш;

- ўзбек тилини нофилологик таълим муассасаларининг таълим рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гурухларида ўқитиш.

Маълумки, тил таълимида ҳар бир таълим босқичида маълум бир ҳажмдаги **билимларни** ўзлаштириш кўзда тутилади. Ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар асосини эса ўкув дастурида кўрсатилган фонетик, лексик, грамматик маълумотлардан иборат **тил материаллари** ташкил қиласи ва улар давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ҳолда ҳар бир таълим босқичи учун алоҳида тақсимланади. Таълим жараёнида ўкувчи-талабаларда ушбу билимлар асосида **нутқий кўниқмалар** ҳосил қилдириб борилади. Ушбу билимлар босқичлар ўртасида тўғри тақсимланмаса, таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигига эришиб бўлмайди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да узвийлик тушунчасига “*Узвий чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган, ажралмас*” деб, узлуксизлик тушунчасига эса “*Узлуксиз таълим ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизими*” деб таъриф берилган.⁷

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. 267-бет

Нутқий кўникмалар нутқ фаолиятининг 4 асосий тури: **ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш** кўникмалари орқали юзага келади ва ўқувчиларнинг олган билимларини амалий нутқий фаолиятда сабитқадамлик билан мустақил равишда қўллай олиш қобилияти - **нутқий малакани** ҳосил қилишга ёрдам беради. И.А.Зимняя таърифича, “*малака машқлар натижасида ҳаракатларнинг юқори мукаммалликка эришуви ва нутқий жараёнларнинг автоматлашуви*”.⁸

Ҳақиқатан ҳам, сўзлашиш, мулоқот юритиш жараёни фикрни лексик, грамматик ва фонетик жиҳатдан расмийлаштиришнинг энг самарали даражасини – юқори даражада автоматлашган нутқий кўникмаларни, яъни нутқий малака ҳосил қилинишини талаб этади. Нутқий мулоқотда нутқий малаканинг ҳосил қилиниши коммуникатив мақсаднинг асосини ташкил этади, чунки айнан тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш кўникмалакалари орқали иккинчи бир тилда ўзаро ахборот алмашиш, оғзаки ва ёзма мулоқот юрита олиш малакаси вужудга келтирилади.

Демак, нутқий жараён бири-бирига боғлиқ бўлган ва ўзаро таъсир қилиб турадиган қуйидаги З омил: тил бирликлари ва уларнинг ўзаро боғланишини ўргатувчи грамматик **билимлар**, ушбу бирликлар ва қоидаларни амалий қўллаш **кўникмалари** ҳамда ўз фикрларини янги вазиятда эркин ифодалаш учун ўрганилган билимлардан фойдалана олиш **малакаларидан** ташкил топади. Шу уч омил биргаликда амал қилгандагина нутқий фаолиятни юзага келтиради. Айнан шу омилларни босқичма-босқич ривожлантириб бориш тилга ўргатишнинг асоси ҳисобланади. Бунда уларнинг тизимли равишда берилиши, тил бирликларининг ўзаро синтагматик ва парадигматик алоқадорликда, боғлиқликда бўлиши айниқса муҳимdir.

Нутқий мулоқот жараёнида инсон ана шу боғлиқликларни комплекс ҳолда, яъни **tinglash, ўқиш** ва маъноларини **тушуниш** бирлигida қабул қиласди. Нутқий фаолиятнинг ушбу турлари бир-бирига боғлиқ ҳолда босқичдан-босқичга ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ўзлаштириб борилиши узвийлик ва узлуксизликни таъминлайди.

Бироқ бу ўринда ушбу билимлар, кўникма ва малакаларни **кимга бериш, яъни кимлар таълим субъекти эканлиги** ниҳоятда муҳим. Шундан келиб чиқсан ҳолда тил таълими 2га: тилни она тили сифатида ўқитиш ва чет тили сифатида ўқитишга ажратилади. Тилни она тили сифатида ўқитишда

⁸ Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. – Москва: МГУ, 1998. – 142-б.

тил ўз эгаларига, шу тилда сўзлашувчиларга ўқитилади, яъни таълим субъектлари шу тилда нутқа эга бўлган инсонлар хисобланади. Тил ўқитишда бу жуда муҳим бўлиб, таълим мазмунига ҳам, таълим методларига таъсир қилмай қолмайди.

Психолог олим Л.С.Выготский она тили ва иккинчи тил таълимининг педагогик-психологик усуслари бир-бирига қарама-қарши эканлиги ҳақида куйидаги фикрларни билдирган эди: “*Она тилини ўрганиши пастдан юқорига, хорижий тилни эгаллаш эса юқоридан пастга йўналишида амалга оширилади*”.¹⁰ Буни қуйидагича шарҳлаш мумкин: пастдан юқорига йўналишида, яъни аниқ тил ҳодисалари таҳлилидан уларни умумлаштиришга қараб борилади, юқоридан пастга йўналишида эса умумлашмалардан (қоидалардан) уларнинг амалиётига ўтилади.

Демак, бериладиган маълумотлар, қоидаларнинг мазмuni, берилиш шакли ва ўрни тилнинг қайси жихатдан ўрганилаётганига кўра танланиши ва шунга мос тартибда тақсимланиши керак бўлади. Албатта, тил чет тили ёки иккинчи тил сифатида ўқитилганда билимларни лингвистик аспектдаги каби чуқур ва кенг эмас, балки **коммуникатив тарзда**, яъни муайян мулоқотни таъминлайдиган лексик ва грамматик минимумлар доирасида бериб борилиши тақозо этилади. Тил она тили сифатида ўрганилаётганда тилнинг грамматик тузилиши ҳақидаги маълумотларни тизимли равищда, изчиллиқда ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлса, чет тили сифатида ўрганилаётганда грамматик билимларни соф амалий, яъни нутқий фаолиятни ривожлантириш мақсадига йўналтирилган ҳолда берилиши керак бўлади.

Муайян бир тилда эркин сўзлашиш имкониятига эга бўлиш учун 2000га яқин сўзни билиши кифоя бўлса, шу даражада яхши ўқиш ва тушуниш учун 4000–5000 атрофидаги луғавий бирликни эгаллаши лозимлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган. Айримлар бундай минимумни катта ҳажмдаги матнларни мустақил ўқиш орқали ажратиш ва рецептив идрок қилиш мумкин, деб хисобласалар-да, олиб борилган маҳсус текширувлар бу фикрни тасдиқламайди.

Жумладан, психолингвист Г.И.Богин ўз тажрибасида аниқлашича, филологик йўналишдаги факультетлар талабалари 100 ўқув ҳафтаси давомида ҳар ҳафтада ўттиз саҳифадан асар ўқиб, матнни қарийб ёд олиши мумкин. Бироқ бу лексик ва грамматик материални тўлиқ ўзлаштиришда унчалик катта натижа бермайди. Чунки ўқиб чиқилган 3000 саҳифада албатта барча луғавий ва грамматик бирликлар учрамайди ёки қайта

¹⁰ Выготский Л. С. Мышление и речь // Избранные психологические исследования. – Москва: Педагогика, 1956. –291 с.

такрорланмайди, шунинг учун матнаги тил бирликларини рецептив ўзлаштирмасдан туриб, матнни тўлиқ тушуниш ва таржима қилишнинг сира иложи йўқ.¹³

Тилни иккинчи тил сифатида ўқитишда асосий эътибор тилнинг нутқа боғлиқ томонларига қаратилгани учун муаммоли масалалар анчагина бўлиб, улар билан методистлар ҳам, психолог олимлар ҳам шуғулланиб келадилар.¹⁴ Психологларнинг таъкидлашича, ўқувчиларда иккиласми тил малакасининг ҳосил бўлиш йўли бирламчи – она тили малакаси ва кўникмаси орқали юз беради, чунки иккинчи бир тилда сўзлаш малакасининг ҳосил бўлиши, аввало, ушбу тилда фикр ифодалашга ёрдам берувчи тил воситаларини кўллаш кўникмаларини шакллантириш ва нутқий муроқот жараёнида улардан эркин ва мужассам ҳолда фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Бундай қобилият эса инсонда она тили малакалари асосига қурилган нутқий кўникмалар асосида шаклланади.

И.А.Зимняя ўзининг педагогик-психологик тадқиқотларида иккиласми нутқий малакаларнинг ҳосил қилиниш жараёнини қуидагича тасвирлайди:¹⁵

Иккиласми нутқий малаканинг таркибий қисмлари



Кўринадики, иккинчи тилда нутқий фаолият малакасини ҳосил қилишда, аввало, она тилидаги бирламчи малакалар асос бўлиб хизмат қиласди. Бироқ бунда коммуникатив жиҳатдан зарур деб ҳисобланган

¹³ Богин Г. И. Роль чтения в профессиональной подготовке учителя и иностранного языка // Иностранные языки в высшей школе. – Москва: 1974. – № 8. – С. 21–24.

¹⁴ Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – Москва: Просвещение, 1989. – 277 с.

¹⁵ Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. – Москва: МГУ, 1998. – 268 с.

грамматик билимларнигина бериш тақозо этилади ва грамматик билимлар шунга кўра минимумлаштирилиши керак бўлади.

Бу ўринда хорижий тилларни ўқитиш тажрибасидаги уч хил ёндашув хақида эслаб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз. **Биринчи ёндашувга** биноан тил ўрганиш жараёнида инсон онгида тилнинг грамматик ва лексик тизимини шакллантириш ва тилни ўзлаштиришга қаратилган қоидалар мажмуасини билиш – демак, бунда грамматикага асосий ўринни ажратишни талаб қилинади; **иккинчисига биноан** эса, тилни ўзлаштиришда оддий такрорлаш ва мустаҳкамлаш воситасида ихтиёрсиз кўникма-малакалар ҳосил қилиш илгари сурилади – бунда ўзга тилни ўрганиш жараёнида грамматикани сиқиб чиқариш, фақатгина такрорлаш йўли билан ўзлаштирилиши назарда тутиладиган нутқий моделларга аҳамият беришни талаб этилади; **учинчи ёндашувда** фаол ва ижодий ҳаракат натижасида ўқувчи онгида грамматик кўникмаларнинг шаклланиши назарда тутилади – унда грамматик билимлар инкор қилинмайди, балки уни қамраб олган ҳолда нутқий кўникмаларни шакллантириш кераклиги нутқ самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида эътироф қилинади. Айнан учинчи ёндашувдан келиб чиқиб, иккинчи тилга ўргатишда дастлаб тил материалини бажарилаётган мазмун функцияларига нисбатан маълум турдаги функционал-семантик категорияларга тақсимлаш мумкин.

Фаол ва нофаол минимумни белгилашда русийзабон ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, билим даражасигина эмас, ҳатто тил хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши зарур, чунки русийзабон ўқувчилар учун нофаол ҳисобланадиган лексик ёки грамматик минимум қардош тилли мактабларда таълим олаётган туркий тилли ўқувчилар учун нофаол ҳисобланмаслиги мумкинлиги барчага аён. Тил тизимиnihоятда мураккаб ва серқирра, муайян тилни ўрганиш эса нутқ, нутқий кўникмалар ҳосил қилиш, нутқий вазиятдан келиб чиқиш каби бир қатор муҳим жиҳатлар билан ҳам боғлиқ бўлгани учун янада мураккаб. Бунда ўрганилаётган тил билан она тилининг фарқли хусусиятлари, ўрганилаётган тилнинг мазкур жамиятдаги ўрни, нуфузи каби объектив ҳолатлар ҳам аҳамиятли эканлиги кўпчилик олимлар томонидан таъкидланади.¹⁶

¹⁶ Джусупов М. Лингвотипологические, социолингвистические и лингводидактические проблемы обучения неродному языку // Филология масалалари. –Т.,2002. – №1–2.–214с.; Кобков В. П. О некоторых методических рекомендациях по В.П. работе с английским страдательным залогом // Лингвометодические основы преподавания иностранных языков. – Москва: Наука, 1979. – С. 51.

Тилни чет тили сифатида ўқитилишда ҳам 2 мухим жиҳатга эътибор қаратилиши лозим: тилни тил муҳити бўлмаган жойда ўргатиш ва тилни тил муҳити мавжуд жойда ўргатиш. Биринчи ҳолат хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга таалуқли бўлса, иккинчи ҳолат бирор мамлакатда яшовчи турли тиллар вакилларига шу мамлакатнинг давлат тилини ўргатишдан иборат. Жумладан, Ўзбекистонда яшовчи турли миллатлар вакилларига ўзбек тилини ўргатиш ёки Россия, Ҳиндистон каби кўп миллатли мамлакатларда яшовчи турли миллатлар вакилларига рус тилини, ҳинду тилини ўргатиш қабилар айнан шунга мисол бўла олади.

Ўзбек тилини бошқа миллатлар вакилларига ўқитиш Туркистон ўлкасида рус-тузем мактабларининг ташкил қилиниши билан боғлик бўлиб, методист С.Назарова 1917 йилгача рус-тузем мактабларида Мулла Солихўжа Кичкинахўжаев, С. М. Граменицкий, Усмон Дадамуҳамедов, Муҳаммадрасул Расулов, Али Асқар Калинин, Сайдрасул Саидазизов, Муҳаммад Амин Муҳаммад Каримов, Камолиддин Қахҳоровлар русларга ўзбек тилини ўргатиш билан шуғулланганликлари ва Туркистон худудида яшовчи бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатишга бағишлиланган дастлабки ўқув қўлланмаларининг пайдо бўлиши айнан шу мактабларнинг фаолияти билан боғлик бўлганлиги қайд этиб ўтган.¹⁷

Ўзбек тилини ўқув режасига асосий фан сифатида киритилиши эса 1933 йилдан бошланган бўлиб, бу даврга келиб ўзбек тили мактаблардагина эмас, балки олий ўқув юртларида ҳам ўқитила бошланди. Ҳусусан, Туркистон Шарқ институтида рус гурухлари учун маҳсус ўзбек тили кафедрасининг ташкил этилиши ва ҳатто маҳсус дастур асосида давлат муассасаларида ҳам ўзбек тилини ўрганишнинг ташкил қилиниши ўзбек тилининг рус гурухларида ўқитилишида сезиларли силжишлар бўлишига олиб келди.¹⁸

Кўринадики, ўзбек тилидан дастлабки ўқув дастурлари, луғатлар рус методист олимлари томонидан тузилган эди. С.Назарова ва Қ.Холиқбердиевлар ишларида В. Ф. Дружинин, К.С. Коблов, А.Клименко, И.А.Енилеевалар томонидан рус мактаблари ўқувчилари учун тузилган илк луғат минимумлари ҳақида ҳам айрим маълумотлар берилган. Жумладан, Қ.Холиқбердиев таникли турколог И. А.Батмановнинг илмий-педагогик фаолиятига “ўз ишлари билан ўзбек тилини ўқитиш методикасини, ўзбек

¹⁷ Назарова С. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –19 б.

¹⁸ Батманов Л. И. Дидактика преподавания узбекского языка русским (пособие для преподавателей). – Ташкент: Ўздавнашр, 1934. –110 с.

төвушлари ва грамматик материалларни ўрганиши тартибини тўғри кўрсатиб беришига” муваффақ бўлган олим сифатида юқори баҳо берган.¹⁹

Ҳақиқатан ҳам, И.А.Батмановнинг ўзбек тилидан дарс берувчи ўқитувчилар учун чоп эттирган бир қатор дастур ва қўлланмалари ўша йилларда ўзбек тили таълимининг дидактик асосларини яратишда муҳим омил бўлган эди.

Ўзбек тили таълимининг кейинги ривожи, албатта, истиқолимиз билан боғлиқ. Буюк истиқлол туфайли “*она тилимиз мустақил давлатимизнинг байроти, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди*”.²⁰

Таълим ислоҳоти туфайли “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг тўлиқ жорий этилишига, ўзбек тилининг ўқитилишига жиддий эътибор берила бошланди. Ўзбек тили таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқитила бошланди. Бу ўринда айтиш жоизки, миллий мактабларда, хусусан, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тилини ўқитиш масалалари бўйича анчагина тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, ушбу методик тадқиқотларнинг барчасида “*рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиши (обучение русскому языку как второму ёки как неродному)*” атамаси қўлланиб келинади. Туб аҳоли тилини бошқа миллат вакиллари томонидан ўрганилиши турли тилларда турлича номланиши кузатилади.

Жумладан, Татаристон Республикасида давлат тилини ўқитиш бўйича қабул қилинган концепцияда татар тилини татарларга она тили сифатида, татар бўлмаганларга хорижий тил сифатида ўқитиш ҳақида сўз боради.²¹ Шунга мос ҳолда таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитишида ҳам “*ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиши*” атамаси, кейинги йилларда эса умумий ўрта таълим босқичи ўқув дастурларида миллий мактабларда ўзбек тилини ўқитишига нисбатан **она тили** атамаси, таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда эса **ўзбек тили** атамаси қўллана бошланди. Мактаб таълимида

¹⁹ Ҳолиқбердиев Қ. Ўқишишар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.–Тошкент: 1971. –21-б.

²⁰ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 85-б.

²¹ www.kcn.ru/school/vestnik. Попова Е. В., Шаяхметова Н. Ш., Хасанова Г.Ф. Концепция обучение татарскому языку в школе с углубленным изучением английского языка и опыт её реализации. – Казань, 2004.

ва баъзи тадқиқот ишларида ўзбек тилини ўқитиш давлат тили таълими деб ҳам юритилмоқда.²²

Маълумки, ҳар бир тилнинг давлат миқёсидаги мақоми унинг минтақадаги ижтимоий-иктисодий ўрни, жуғрофий-сиёсий ҳолати каби қатор омиллардан келиб чиқади. Жумладан, Ўзбекистонда умумий ўрта таълим 7 тилда олиб борилиши, булар орасида қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпок тиллари бир оиласа мансуб қардош тиллар эканлиги эътиборга олинса, уларга нисбатан ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш атамасини қўллаш ножоизлиги кўринади. Айни пайтда, таълим рус тилида олиб бориладиган гурухларда туркий миллатлар вакиллари, ҳатто ўзбеклар ҳам таълим олаётгани ва, энг асосийси, ушбу турли миллат вакилларининг Ўзбекистонда туғилиб, республикамизда муқим яшаётганлиги ҳам назарда тутилса, ўзбек тилини иккинчи тил ёки хорижий тил сифатида эмас, айнан давлат тили сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқлиги яққол кўринади.

Бу ўринда тадқиқотчи Н.Умарованинг қуидаги фикрларига қўшилиш керак деб ўйлаймиз: “...Русийзабон талабаларга ўзбек тилининг чет тили сифатида ўқитилишини, бизнингча, оқлаб бўлмайди. Албатта, ўзбек тилини ўқитиш жараёнида чет тилини ўқитишдаги илгор метод ва технологиялардан оқилона фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Лекин талабалар ўзбек тилини нутқий муҳит шароитида ўзлаштиришлари мумкинлигини, давлат тилини мактабда ўргана бошлаганликларини (айримлари ҳатто мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб ўрганаётганликларини) инобатга олиши керак” (Изоҳ бизники –М. X.).²³

Демак, тилни ўқитишда, аввало, тилни **кимларга ўргатиш** ёки **кимларни ўқитиш** масаласини аниқлаб олиш, ундан кейин эса **нимани** бериш муаммоси ҳал қилиниши керак.

Маълумки, ислоҳотдан аввал ўқишлиар рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида, шунингдек, олий ўқув юртларининг рус гурухларида ҳам ўзбек тили дарслари она тили методикаси асосида ўқитилар, яъни миллий гурухлардаги она тили фани каби ўзбек тилининг барча бўлимлари: фонетика, лексика, морфология, синтаксисдан бироз қисқартирилган маълумотлар берилар, бунда асосий фарқ грамматик

²² Жўраев М. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасининг шаклланиши (олий ўқув юртларида давлат тили таълими мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. авт-ти. – Тошкент, 2005. –23 б.

²³ Умарова Н. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси (техника олий ўқув юртларининг русийзабон гурухларида): Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент: 2007. –21-22- б.

қоидаларнинг қисқа ва асосан рус тилида ёки айрим ҳолларда ўзбек ва рус тилларида берилишида бўлар эди. Машқларда ҳам одатда соф грамматик топшириқлар бериш, терма гапларни рус тилига ёки ўзбек тилига таржима қилдириш билан чекланилар эди. Ўқитишининг бу усули, айниқса, қоидаларнинг рус тилида ҳам берилиши натижасида русийзабон ўқувчилар грамматик қоидаларни қуруқ ёд олиш билан чекланиб, юқорида айтганимиздек, **ўзбек тилини тушунадиган, аммо ўзбек тилида гапира олмайдиган** бўлиб қолдилар. Ушбу дарсликларда ўқувчиларни нутқий мулокотга ундейдиган, ўқувчиларда ўзбек тилида сўзлашиб эҳтиёжини юзага келтирадиган, сўзлардан сўз бирикмалари, сўз бирикмаларидан гаплар, гаплардан матнлар тузишга йўналтирадиган машқлар ва топшириқлар тизими деярли йўқ эди.

Аслида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ва рус гурухларида ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларга ўзбек тили грамматикасини ўргатиш эмас, балки уларда ўзбекча нутқий кўникмаларни ҳосил қилдиришdir. Бунинг учун турли гап қурилмаларини ўргатиш, зарур бўлган грамматик билимларни, сўз ва сўз бирикмаларининг боғланиш қоидаларини эса нутқий эҳтиёж, фикр ифодалаш мақсадидан келиб чиқкан ҳолда ўргатиш талаб қилинади. Демак, тилни она тили сифатида ўқитиш билан иккинчи тил сифатида ўқитиш бир-биридан фарқли бўлиб, ўзига хоссликларга эга.

Ҳақиқатан ҳам, тил бирликларини нутқий мулокотда қўллаш даражасини ҳисобга олган ҳолда маълум тоифаларга тақсимлаш ва шу тақсимот асосида уларни ўқув материали таркибига киритиш таълимда такрорлар, қайтариклар бўлмаслигига, тил таълим мининг узвийлигини таъминлаш орқали таълимни босқичлараро узлуксизлик асосида ташкил қилинишига ва таълим самарадорлигига эришишга олиб келади.

Ўзбек тили фанидан ўқув дастурлари тузишда кўп миллатли республикамизнинг умумий ўрта таълим босқичида таълимнинг 7 тилда олиб борилиши, ушбу тилларнинг генетик жиҳатдан турли тиллар оиласига мансублиги, рус ва тожик тиллари хинд-европа тиллари оиласига, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва туркман тиллари ўзбек тили каби туркий тиллар оиласига кириши, грамматик тузилиши жиҳатдан ҳам рус ва тожик тиллари флексив, туркий тиллар эса агглютинатив тузилишли тиллар эканлиги эътиборга олиниши, фаол ва нофаол лексик-грамматик минимумни белгилашда эса, аввало, шунга асосланиш лозим.

Грамматик билимларни нутқий фаолиятда қўлланиш даражаси ва миқёсига нисбатан фаол ва нофаол турларга ажратиш, шунингдек, грамматик қоидаларнинг аҳамияти, ўрни ва характери масаласи методист-олимлар

ўртасида узоқ йиллардан буён мұхокама қилиниб келинади. Л.В.Шчерба, А.А.Миролюбов, И.В.Рахманов, И.А.Зимняя, Е.И.Пассов, Б.А.Лапидус асарларида бу ҳақда күплаб фикрларни учратиш мүмкін. Улардан айримлари тил малакаларини такомиллаштиришда грамматик билимлардан фойдаланиш керак, аммо уларни фаоллаштириш шарт эмас деб ҳисобласалар, айрим олимлар муайян нутқий күникма ҳосил қилиб бўлингандан сўнг бериладиган грамматик билимлардан фойда йўқ деб ҳисоблайдилар.²⁴ Биз ҳам бу ўринда кейинги фикрга қўшиламиз, чунки билим ва қоидаларни билишгина ўқувчида тўғри күникма ва малакалар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Қоида тилда мавжуд қонуниятларни қўрсатиш ва уларни изоҳлаш, тушунтиришга йўналтиришга ёрдам беради, бироқ она тилини ўрганиш билан иккинчи тилни ўрганишда бериладиган қоидалар бир-биридан фарқланиши керак.

Кейинги йилларда кўпчилик методист олимлар томонидан грамматик билимларни нутқий намуналар (моделлар) воситасида тақдим этилиши маъқулланмоқда. Албатта, ҳар қандай нутқ учун муайян нутқий қурилмалар асос бўлиши инкор этилмайдиган ҳақиқат. Шу боис фаол грамматик минимумларни ажратишида нутқий намуналардан фойдаланиш, яъни танлаб олинган ҳодисанинг бошқа шу каби тузилмаларни ҳосил қилиши учун андоза бўлиб хизмат қила олиши мухим бир мезон ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, иккинчи тил таълимида йўриқнома сифатидаги қисқа, аниқ қўрсатмалардан иборат қоидаларни тавсия қилиш ўринли бўлиб, уларда нутқда кўп учрайдиган (типик), нутқий фаолият учун аҳамиятга молик грамматик маълумотлар муайян қисмларга бўлинган ҳолда бериб борилиши мақсадга мувофиқ. Иккинчи тилни ўқитишида грамматик билимларни шу тарзда “муайян дозалар билан квантларга бўлиб бериш” назарияси 70-йилларда Е.И.Пассов томонидан илгари сурилган эди. Аммо бу грамматик билимларни қисмларга бўлиб ташланишига олиб келмаслиги, грамматик ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, мазмуний узвийлик сақланиши керак.

Грамматик билимларни ўзига хос изчиллик билан бериб борилиши борасида биз Г.А.Китайгородскаянинг қуйидаги фикрларига қўшиламиз: “Айрим грамматик ҳодисалар дарсдан дарсга марказлашган ҳолда кенгайтириб ва тизимлаштириб бериб борилиши керак. Бу грамматик ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Масалан, феълнинг муайян замон шакли бир дарсда берилса, кейинги дарсда улар умумлаштирилади, ундан

²⁴ Пассов Е. И. Основы методики обучения иностранным языкам. –Москва: Русский язык, 1977. –152 с.

*кейин эса бошқа замон шакллари билан қиёслаб тушунтирилади. Айрим грамматик маълумотларни эса, масалан, сифат ва равишларнинг даража маъноларини бир дарсда бир йўла тушунтириши мумкин, бироқ уларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши давомийликни талаб этади. Грамматиканинг бу тарзда тақсимланиши ўқувчиларга айрим тил ҳодисаларини ўзаро осонлик билан боғлаб бориши ва тилни бутун бир тизим шаклида тушуниш имкониятини беради”.*²⁵

Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси ниҳоятда кенгайгани, унинг республикамизнинг расмий давлат тили сифатида халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Бироқ ўзбек тилидан ёзма нутқ саводхонлигининг сусайиб бораётганлиги, адабий тилнинг қўлланиши, нутқ маданияти масалаларида ҳам камчиликлар талайлиги таълим муассасаларимизда она тили таълимининг мукаммал эмаслигини, она тилидан давлат таълим стандартлари талаблари ва ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштириш зарурлигини қўрсатмоқда.

Демак, республикамиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишининг илмий жиҳатдан асосланган янги концептуал тамойилларини белгилаш, она тили ва ўзбек тили таълими самарадорлигини ошириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардир.

Назорат саволлари

1. Нима учун аввалги таълим тизимида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди?
2. Таълим узвийлиги ва узлуксизлигини ҳамда унинг қандай таъминланишини тушунтиринг.
3. Нутқий фаолиятнинг таркибий қисмлари ҳақида маълумот беринг.
4. Тилни “она тили”, “чет тили” ва “иккинчи тил” сифатида ўқитишининг педагогик-психологик усуллари ҳақида маълумот беринг.
5. Тилларни ўқитиши тажрибасидаги уч хил ёндашувнинг фарқли хусусиятлари нимада?
6. Она тили ва иккинчи тил таълимида грамматик билим, қоида, фаол ва нофаол лексиканинг берилишидаги фарқларни тушунтиринг.

Таянч ибора ва тушунчалар (глоссарий)

Узвийлик - узвий чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган, ажралмас

Узлуксизлик - соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-

²⁵ Китайгородская Г. А. Методика интенсивного краткосрочного обучения иностранным языкам. – Москва: Высшая школа, 1986. –С. 101.

бирини тақозо этувчи

Узлуксиз таълим тизими - узлуксиз таълим ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизими

Она тили сифатида ўқитиши – тилни шу тил асосий тил хисобланувчи мамлакатда тил эгаларига ўқитиши

Нутқий фаолиятнинг 4 амали – нутқий фаолиятни амалга оширишда амал қиласидан тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш

Билим – таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар асоси

Тил материаллари - ўкув дастурида кўрсатилган фонетик, лексик, грамматик маълумотлар

Малака – машқлар натижасида ҳаракатларнинг юқори мукаммалликка эришуви ва нутқий жараёнларнинг автоматлашуви

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. 267-бет
2. Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. -Москва: МГУ, 1998.-142-б.
3. Выготский Л. С. Мышление и речь // Избранные психологические исследования.-Москва: Педагогика, 1956. –291 с.
4. Богин Г. И. Роль чтения в профессиональной подготовке учителя и иностранного языка // Иностранные языки в высшей школе. – Москва: 1974. -№ 8.-С. 21–24.
5. Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению.-Москва: Просвещение, 1989. – 277 с.
- 6.Джусупов М. Лингвотипологические, социолингвистические и лингводидактические проблемы обучения неродному языку // Филология масалалари.-Т., 2002.-№ 1-2.-214 с.
7. Кобков В. П. О некоторых методических рекомендациях по В.П. работе с английским страдательным залогом // Лингвометодические основы преподавания иностранных языков. - Москва: Наука, 1979. -С. 51.
8. Назарова С. Ўзбек тили ўқитиши методикаси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1992.-19 б.
9. Батманов Л. И. Дидактика преподавания узбекского языка русским (пособие для преподавателей).-Ташкент: Ўздавнашр, 1934.-110 с.

10. Ҳолиқбердиев Қ. Ўқишлиар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.-Тошкент: 1971.-21-б.
11. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008. - 85-б.
12. www.kcn.ru/school/vestnik. Попова Е. В., Шаяхметова Н. Ш., Хасанова Г.Ф. Концепция обучение татарскому языку в школе с углубленным изучением английского языка и опыт её реализации.-Казань, 2004.
13. Жўраев М. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасининг шаклланиши (олий ўқув юртларида давлат тили таълими мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. авт-ти.-Тошкент, 2005.-23 б.
14. Умарова Н. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси (техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ном. ... дис.-Тошкент: 2007.-21-22- б.
15. Пассов Е. И. Основы методики обучения иностранным языкам. –Москва: Русский язык, 1977.-152 с.
16. Китайгородская Г. А. Методика интенсивного краткосрочного обучения иностранным языкам.-Москва: Высшая школа, 1986.-С. 101.

2-мавзу. Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш.

Ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини тил компетенцияларининг халқаро даражаларига мувофиқлаштириш масалалари

Режса:

1. Тил таълими тамойиллари ва ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар
2. Компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси .
3. Давлат таълим стандартларини тил таълим мининг халқаро компетенциявий даражалари асосида таомиллаштириш

Таянч тушунчалар: Тил таълими тамойиллари, компетенция тушунчаси, компетенциявий ёндашув, халқаро CEFR даражалари, давлат таълим стандартлари талаблари, компетенциялар турлари: таянч ва хусусий компетенциялар, нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар, тил компетенцияси, сертификатлаштириш.

Тил нафақат инсонни, балки кишилик жамиятини ҳам барпо этган, унинг тараққиётига сабаб бўлган ва ҳозирги кунда ҳам турли мамлакатларни бир-бирига боғлаб турган буюк неъмат, қудратли кучдир. Шунинг учун тилларни ўрганиш, тил таълим мининг энг самарали интенсив методларини ишлаб чиқиш масалаларига ҳамиша катта эътибор қаратиб келинган, тил ўқитиш методлари мунтазам таомиллаштириб борилган. Жаҳон тажрибасида тилларни ўрганишда қуидаги тамойиллардан фойдаланиб келинади:

1. Аспектлар тамойили. Ушбу тамойилда тилни унинг тузилишдан келиб чиқсан ҳолда 3 аспектда: фонетик, лексик ва грамматик аспектда ўрганиш тавсия этилади. Бу тамойил нутқни ўстириш учун керакли самарали натижаларни бермайди, у асосан тилни она тили сифатида ўрганиш йўналишида қўлланади.,

2. Структура тамойили. Ушбу тамойил америка структурализмининг ёрқин намояндаларидан бири Ч.Фриз томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг асосий ғояси тилларни тузилишига кўра қиёслаб ўрганиш ва ҳар икки тилда ўзаро фарқ қилувчи моделларни ишлаб чиқиш, сўнгра ушбу моделлар асосида иккинчи тилда гаплашиш қўнималарини ҳосил қилишдан иборат эди. Аммо бу тилни механик моделларга айлантиришга олиб келди ва жонли нутқий қўнималар ҳосил қилиш борасида самарали натижалар бермади.

3. Аспектли структура тамойили. Ушбу тамойилни “янгича аспект” деб ҳам атайдилар. Унинг асосчиларидан бири бўлган И. В. Рахманов тил ва нутқ бирлигидан келиб чиқиб, 4 та нутқ бирлигини ажратади (сада гаплар,

кириш гапли содда гаплар, қўшма гаплар ва савол-жавоб тарзидаги гаплар) ҳамда уларнинг қўлланиши билан боғлиқ нутқий моделларни ишлаб чиқкан. Бироқ нутқда юзага келиши мумкин бўлган барча гапларни ҳам моделлаштириб бўлмаслиги маълум хақиқат.

4. Трансформация тамойили. Америка тилшунос олимлари З.Харрис, Ф.Френч, Н.Хомскийлар ушбу тамойил орқали ҳар бир тилда мавжуд бўладиган базис қолипларни танлаб олиш ва уларни трансформациялаш асосида фикр ифодалашга ўрганишни илгари сурадилар. Хусусан, улар инглиз тилини ўрганиш бўйича Ф.Френч томонидан тавсия этилган 7та базис моделини кенгайтириш, ихчамлаштириш, бир-бирига қўшиш, яъни трансформациялаш асосида ўқувчиларни нутқий мулоқот юритишга олиб чиқиши тавсия этилади.

5. Функционал тузилиш тамойили. Ушбу тамойил асосида мазмундан унинг ифода шаклларига ўтиш ғояси ётган бўлиб, муайян вазиятдаги фикрни ифодалашнинг турли шаклларини кўрсатиш учун нутқий моделларни ўрганиш зарурлиги илгари сурилади. Ушбу тамойилнинг асосчиларидан бўлган И.Л.Бим нутқий моделларни нутқий-коммуникатив мақсадлардан келиб чиқиб умумлаштиришни ва тилнинг амалий қўлланишини намунавий тарзда кўрсатиб боришни таклиф этади.

6. Идеографик грамматика йўналиши. Рус тилшунослигида 80-йилларда юзага келган ушбу йўналишда (В.А.Белошапкова, И.Г. Милославский ва бошқалар) рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитишка ҳам назария, ҳам амалиёт учун зарур бўлган лексика билан грамматика ўртасидаги алоқани кучайтириш учун грамматикани семантизациялаштириш ғояси берилади. Бунда тил ўрганувчининг коммуникатив мақсадлардан келиб чиқкан ҳолда ўз фикрини ифодалаш учун зарурый ифода воситалари (белгилар) ни ўзи топиши, яъни мазмундан шаклга томон бориш, буни ҳатто она тили методикасида ҳам қўллаш илгари сурилади.¹

7. Коммуникатив тамойил. Ушбу тамойил тарафдорлари (Е.И.Пассов, Н.И.Жинкин ва бошқалар) иккинчи тилга ўргатишка нутқни асос қилиб олиш, тилнинг грамматик тузилиши билан боғлиқ билимларни муайян нутқий вазиятга боғлаб бориш, грамматик кўникмаларни шакллантиришда ҳам шартли нутқий машқлардан фойдаланишни тавсия этадилар.²

Кўриниб турибдики, жаҳон тажрибасида тил таълимида турли тамойиллардан фойдаланиб келинган, лекин улар орасидан энг самарадор

¹ Идеографические аспекты русской грамматики / Под ред. В. А. Белошапковой и И. Г. Милославского. – Москва: МГУ, 1988. – 3-10-б.

² Пассов Е. И. Коммуникативные упражнения (пособие для преподавателей). – Москва–Ленинград: Просвещение, 1967. – 84-91-б.

тамойилни аниқлаш анчагина муаммоли. Хусусан, фаол ва нофаол лексик-грамматик минимумни аниқлаш ва таълим босқичларига тақсимлаш масаласи, она тили дарсларида грамматиканинг, ўзбек тили дарсларида нутқий мавзунинг етакчилик қилиши таълим самарадорлигига бир мунча салбий таъсир қилаётганини кузатиш мумкин.

Республикамиздаги рус гурухларида ўзбек тилини ўқитиш тамойилларини аниқлаш мақсадида умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим босқичларида ўзбек тилидан амал қилаётган ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмаларни таҳлил қилиб чиқиш ҳозирги кунда таълим рус тилида олиб бориладиган гурухларда ўзбек тилини ўқитиша қўйидаги З хил тамойилдан фойдаланилаётганини кўрсатди:

1. Лингвистик ёки анъанавий тизимли тамойил. Ушбу тамойил хорижий тилларни ўрганишнинг аспектли тамойили йўналишида бўлиб, асосан филологик йўналишдаги олий ўқув юртларида амал қилмоқда. Ушбу гурухларнинг қўпчилигига ўзбек тили фани миллий гурухлардаги она тили фани каби тилшуносликнинг изчил курси асосида ўқитилади. Бу тамойил ўзбек тилини назарий жиҳатдан ҳам чукур ўрганиш, уни ўқувчи-талабаларга ўз она тили ёки ўзи ўрганаётган тиллар билан қиёслай олиш имконини беради. Лингвистик аспектда ўқитиш талабаларни ўзбек тилидан рус тилига ёки хорижий тилларга ёки, аксинча, таржима қилиш назарияси ва амалиёти бўйича ҳам билим ва малакалар эгаллашларида, ўзбек тилининг лексик-семантик ва грамматик имкониятлари билан тўлиқ танишишларида имкон яратади. Шу боис филологик йўналишдаги олий ўқув юртларида ушбу тамойилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бироқ тилга ўргатишнинг бошланғич босқичлари – умумтаълим, ўрта маҳсус таълим босқичларида ва олий таълимнинг нофилологик муассасаларида ушбу тамойилдан фойдаланиш самарали натижалар бермайди. Бу ўринда ушбу тамойилда ёзилган қўпчилик дарсликлар ўзбек тилининг тизимли грамматикаси, яъни фонетика, лексикология, морфология, синтаксис бўлимлари миллий гурухлардаги она тили фани каби изчилликда ҳамда грамматик қоидалар рус тилида баён этилган ҳолда бериб борилганлиги билан ислоҳотдан аввалги “Ўзбек тили” дарсликларида яқин бўлиб қолганлигини ҳам қайд қилиш керак.

2. Ўзбек тилини матн таҳлили асосида ўқитиш тамойили. Ўтган асрнинг 80-йилларида Ғарб лингводидактикасида “маълум мақсад учун қўлланиладиган тил” тушунчаси пайдо бўлди. Ушбу тушунча заминида инсон фаолиятининг маълум бир соҳасида қўлланиладиган тил бирликларининг ихтисосликка оид лексик-грамматик ва бошқа ўзига хос белгилари (у ёки бу ихтисослик доирасида нутқий мулоқот қандай тузилади, маълум турдаги ахборотни етказиш учун мулоқот қайси шаклда олиб

борилади каби) ётгани учун “мутахассислик тили” деб ҳам юритилади. Ушбу тамойилда турли касб-хунарга оид матнлар устида ишлаш, касбий атамаларнинг нутқда қўлланишини ўргатиш воситасида ўқувчи-талабалар касбий, ихтисосий нутқка ўргатилади, касбий нутқка оид луғат бойлиги ўстириб борилади. Айни пайтда айрим грамматик қоидаларни ўзлаштириб бориш ҳам назарда тутилади. Тиббиёт, техника, иқтисод, қишлоқ хўжалиги каби турли ихтисосликлар йўналишларидағи ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида аввалдан матн таҳлили асосида ёзилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб келинган.

Бугунги кунда ўзбек тилидан ўқув қўлланмалар, дарсликлардаги машқ ва топшириқларни ҳозирги талабларга мувофиқлаштириш, миллий истиқлол ғояларини, миллий-маънавий қадриятларимизни эъзозлаш туйғуларини сингдиришга хизмат қилувчи матнлар билан бойитиш юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Бироқ ушбу тамойилда тузилган ўқув дастурларида грамматик билимлар узвийлик-узлуксизликда берилмаётгани, кўп ҳолларда қуи таълим босқичларида ўтилган грамматик маълумотлар қайтарилаётгани кузатилмоқда.³ [224]. Ушбу дарслик ва қўлланмаларнинг аксариятида грамматик маълумотлар анъанавий лингвистик тамойилда, яъни она тилидаги каби тизимли равишда берилган бўлиб, улар ихтисосий нутқни ўргатишга йўналтирилмаган. Натижада техника, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, тиббиёт йўналишида таълим оловчи ўқувчи-талабалар ўзбек тили машғулотларида ўз ихтисослиги бўйича матн тузишни эмас, аксинча, тайёр матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишни ўрганмоқдалар, холос.

Методист-олим Р.Йўлдошевнинг уқтиришича, “*Матн – нутқнинг ҳарфий белгилар билан қайдланган сурати. У ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Нутқий фаолият орқалигина матнни ҳаракатга келтириш мумкин... Кузатишлардан маълумки, бутун-бутун матнларни ёд олган аксарият ўқувчилар ўзбек тилида бирор гапни ўзгартириб айтиши талаб этилганда, буни уddaрай олмайди... Шу нарса инкор этиб бўлmas даражада исботланганки, русийзабон ўқувчи саволларга жавоб берииш учун ё жавобни матндан ўқиб беради ёки уни эслаб қолиб айтади. Ижодий тузилган саволга ўқувчи сўроқ сўзни жавоб сўзга алмаштириши йўлини билиб олгандагина жавоб қайтара олади*”.⁴ Кўринадики, ўзбек тилини матн таҳлили асосида ўқитишида русийзабон ўқувчи-талабаларни тайёр матнлар топшириқлари устида ишлатишнинг ўзи етарли эмас, уларда, аввало, сўзлардан сўз

³Холиқбердиев Қ. Ўқишлоқ рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.–Тошкент: 1971. –243 б.

⁴Йўлдошев Р. Узлуксиз ўзбек тили таълимида функционал-семантик ёндашувнинг татбиқига доир // Узлуксиз таълим. –Тошкент: 2008. – 5-сон. –Б. 20–24.

бирикмалари, сўз бирикмаларидан гаплар тузা олиш, ўз нутқий фаолиятига ижодий ёндашган ҳолда синтактик синонимик вариациялардан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилдириш керак бўлади.

3. Функционал-коммуникатив тамойил. Ҳозирги кунда хорижий тилларни ўқитиш жараёнида кенг қўлланаётган ва ўқувчиларда, аввало, нутқий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ушбу тамойилни **функционал аспектда ўқитиш** деб ҳам атайдилар. Мазкур тамойил бундан 40 йил аввал Европада голландиялик Ван Эйк томонидан яратилган бўлиб⁶, у ўзбек тили таълимида илк марта 1990 йилда М.Қодировнинг дорилфунунлар факультетларининг рус гурухлари учун тузган “Ўзбек тилидан программа”си⁷ орқали олий ўқув юртларида, 1998–1999 йиллардан бошлаб эса Р.Толипова ва бошқалар томонидан тузилган ўқув дастури орқали умумий ўрта таълим босқичининг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларида татбиқ этила бошланди.⁸ Ушбу ўқув дастурларида кундалик мулоқот эҳтиёжи учун зарур бўлган нутқий мавзулар воситасида ўқувчиларда ўзбек тилида ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда эркин ифодалаш, мустақил сўзлашиш кўникмаларини ҳосил қилиш асосий мақсад қилиб олинган.

Коммуникатив тамойилда тилни соф амалий мақсадларда ўқитиш, яъни ўқувчиларни бирон-бир мавзуда эркин фикрлаш ва сўзлашишга ўргатиш мақсад қилиб қўйилади. Бунда ўқувчи-талабаларга от, сифат, сон каби соф грамматик мавзуларни эмас, балки бирон-бир нутқий мавзуда сўзлашиш, муайян фикрни ифодалаш учун зарур бўладиган нутқий курилмалар ўргатилади, грамматик қоидалар эса фақат нутқий эҳтиёждан келиб чиқиб берилади.⁹ Шунинг учун ҳар бир мавзу бўйича бериладиган фонетик, лексик, грамматик (морфологик ва синтактик) билимлар тил сатҳлари бўйича эмас, балки комплекс ҳолда берилиб, ўқувчиларни 4та асосий амалга: тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш ва ёзишга ўргатиш кўзда тутилади.

⁶ Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиш истиқболлари ҳақида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари. –Тошкент: 2007. –Б. 192–193.

⁷ Қодиров М. Ўзбек тилидан программа (дорилфунунлар факультетларининг рус гурухлари учун). –Тошкент, 1990. –19 б.

⁸ Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти. ЎзР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-максус сон. –Тошкент: Шарқ, 1999. — 262–302.

⁹Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – Москва: Просвещение, 1989. – 277 с.

Ўқувчи-талабалар факат тайёр матнларни такрорлаб гапиришнигина эмас, балки ўз фикрларини ифодалай олишга ўрганишлари ҳам керак, яъни уларга матндан от, сифат, сонни топишни эмас, балки муайян фикрни ифодалаш воситаларидан комплекс фойдаланган ҳолда матн туза олишни ўргатиш керак бўлади. Ҳозирги кунда тил таълимида кенг татбиқ қилинаётган идеографик аспект йўналишида қайд қилинганидек, ўқувчи тайёр матнларни қисмларга бўлган ҳолда таҳлил қилиб эмас, балки “*тил токчаларидан ўзига зарур воситаларни топиб*”, яъни вазиятга мос фикрни турли усуллар воситасида аниқ ифодалашга ўрганиб боришлари керак.¹⁰

Шу боис коммуникатив тамойилнинг **функционал-семантик йўналиши** ҳозирги кунда жаҳонда хорижий тилларга ўргатиш методикасининг энг сўнгги ютуқлари ва ижобий таржибасини ўзида мужассамлантирган тамойил сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу тамойилда муайян фикрни бошқа бир тилда ифодалаш учун лексик, морфологик, семантик воситалардан комплекс тарзда фойдалана олишга ўргатиш кўзда тутилади. Ўзбек тили таълимига мазкур йўналишни олиб кирган Р.Толипованинг фикрича, “*ушибу методика ўқувчида қизиқши (мотивация), фаоллик, исходийлик ва мустақилликни шакллантиришига қаратилган бўлиб, ўқувчи грамматик воситаларни тушуниб қўллайди, танлаб ишлатади*”.¹¹

Функционал-семантик тамойилда мазмун (семантика) асосий мақсад сифатида биринчи ўринга чиқади, шакл, яъни грамматикадан (сўз ясаш, морфология, синтаксис ва имло қоидаларидан) лингвистик восита сифатида фойдаланилади. Р.Йўлдошев фикрича, “*Иккинчи тилни ўрганаётган киши сўзнинг лугавий маъносини билса, уни грамматик жиҳатдан шакллантириши асносида грамматик маънони зоҳир этса, грамматик маъно орқали бир сўз шаклини бошқаси билан биректиришининг уддасидан чиқса, пировардида гандаги вазифасини – функциясини ифода этса, гапни коммуникатив ниятдан келиб чиқиб тегишили оҳангда сұхбатдошига айтса, у шу тилда мулоқотга кириша олади, яъни шу тилдан мулоқотда фойдаланиши даражасида эгаллайди*”.¹² [90, 21].

80-йиллардан бошлаб рус тилшунослигида қўллана бошлаган ва грамматикани семантизациялаштириш ғояси илгари сурилган **идеографик грамматика йўналишида** ҳам тилни амалий қўллашни ўргатиш учун, аввало, грамматика ва лексика ўртасида узвий алоқа ўрнатиш кераклиги, бу нафақат иккинчи тилга ўргатишда, ҳатто она тилини ўргатишда ҳам

¹⁰ Махмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.–Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.

¹¹Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиши истиқболлари ҳакида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари. –Тошкент: 2007. –Б. 192–193.

¹² Махмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.–Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.

муҳимлиги таъкидланади.¹¹ [75, 9–10]. Жумладан, Н. Маҳмудов ушбу йўналишни қўллаб-қувватлаб қуидагиларни ёзди: “Унумаслик жоизки, тил таълим мақсади билан тавсифланар экан, унга семасиологик (шаклдан мазмунга) эмас, балки ономасиологик (мазмундан шаклга) ёндашув муҳимдир. Тил ўрганувчи берилган тилдаги шаклнинг мазмунини излагандан кўра ўзига маълум бўлган мазмуннинг мақсадга мувофиқ ифода шаклини танлаш йўлидан боргани маъқул. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда тилишеносликда, айниқса, амалий тилишеносликда муайян мазмуннинг энг мақбул тарздаги ифодаланиши имкониятларини тавсифловчи, яъни “мазмундан шаклга” тамойилига асосланган “функционал грамматика”, “идеографик грамматика” яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бунда тил ўқитишининг бош мақсади ўз фикрини мутлақо аниқ ва вазиятга мувофиқ тарзда ўргатишдан иборат”.¹²

Ж.Жалоловнинг хорижий тилларни ўқитиш бўйича ушбу фикрлари ҳам Н.Маҳмудовнинг қарашлари билан уйғун келади: “Нутқий парадигматик вариантлар сўз шакларининг парадигматик қатори ҳамда бир хил мазмунни ифода қилувчи барча бошқа турдаги тил бирликларининг синонимик қатори алоқадорлигига юзага келувчи ҳодисадир. Ушбу психофизиологик ҳодисани шакллантиришида ва унинг воситасида грамматикани ўзлаштиришида “мазмундан шаклга” тамойили самарали натижса беради”.¹³ Г.Аҳмедованинг ўз тадқиқот иши асосида “сўзни ҳаракатда кўриш учун нутқёна нисбатан функционал-семантик тамойилни татбиқ этиши маъқул, чунки ўқувчи сўз бирикмалари ва турли хил гаплар намуналари асосида ясама сўзларни функционал қирралари жиҳатидан ҳам, семантикаси жиҳатидан ҳам амалий ва фаол ўзлаштиради, яъни функционал-семантик тамойил тўлигича намоён бўлади”¹⁴ деган холосага келиши ҳам шу фикрни исботлайди.

Функционал-семантик тамойилда айнан шу мақсадни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган бўлиб, шундан келиб чиқсан ҳолда ҳатто мавзулар

¹³ Жалолов Ж. Лингводидактик адаптация хусусида // Замонавий тилшенослик ва хорижий тилларга ўргатиш методлари. – Самарқанд, 1999. –Б. 43-47.

¹⁴ Аҳмедова Г. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ясама сўзлар билан бойитишининг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2006. –164 б.

ҳам соф грамматик тарзда эмас, балки семантик (маъновий) нуқтаи назардан номланади (яъни мавзуларни «Сифат», «Сифатнинг маъно турлари» ёки «Сифат даражалари» деб эмас, балки «Инсоннинг ташқи қиёфасини ёки хусусиятларини тавсифлаш», «Нарса-буюмларни тасвирлаш» ёки «Ўринни, мақсадни ифодалаш» каби номлаш режалаштирилади) ва сифатларнинг ўзини эмас, муайян фикрни ифодалашдаги амалий қўлланишини ўргатиш кўзда тутилади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳар бир маъновий (семантик) мавзуни ўтишда бир неча грамматик шакл қўлланиши мумкин. Масалан, «Табиатни тасвирлаш» мавзуси бўйича фикр ифодалашда нафақат сифат ёки от туркумидаги сўзлар, балки от, феъл, равиш, равишдош, олмош, кўмакчи ва боғловчилардан, тасвирий ифодалардан ҳам фойдаланилади. Шунинг учун ўқувчиларга муайян фикрни ифодалаш учун зарур бўладиган барча: фонетик, лексик, грамматик воситалар комплекс тарзда берилади ва ўқувчиларнинг қўйилган мақсадга мувофиқ муайян нутқий қўникмаларга эга бўлишлари мақсад қилиб қўйилади.

Кўринадики, мазкур тамойилда грамматик мавзуларнинг ҳам муайян бир изчиллик асосида ўқитилиши назарда тутилади, аммо бу изчиллик ўзбек тилининг тизимли грамматикаси асосида эмас, балки функционал-семантик нуқтаи назардан, яъни муайян маънога боғлиқ фикрни ифодалаш йўллари, усусларидан келиб чиқиб белгиланади. Ўқувчиларга муайян фикрни ифодалаш учун зарур бўладиган барча сўз туркумларига оид лексикани ўз ичига олган нутқий бирликлар берилади. Ўқувчиларнинг сўзларни алоҳида лексик бирликлар сифатида механик равища ёд олиш йўли билан эмас, балки муайян грамматик шаклларда, ажратиб кўрсатилган нутқий курилмалар таркибида ўзлаштириб борилиши, ушбу курилмаларни нутқий вазиятга мос равища қўллаш қўникмаларини шакллантириш кўзда тутилади.

Фикрлар уйғунлиги функционал-семантик тамойилни ҳозирги кунда тилларни ўргатища амал қилаётган энг илғор ва самарали тамойил сифатида таълим тизимининг барча босқичларида қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда умумтаълим босқичида ўзбек тили таълимида мазкур тамойил етакчи тамойил сифатида қўлланмоқда, аммо у ўрта маҳсус ва олий таълим босқичларида давом эттирилмаётганлиги туфайли таълим узлуксизлиги таъминланмай, кутилган самарали натижаларни бермаяпти.

Биз илмий-назарий адабиётлар таҳлили асосида келинган хулосаларни 2009–2010 ўкув йилида Россия Федерациясининг 2та етакчи олийгоҳи – Москва давлат университети (МДУ) ва Москва давлат лингвистик университети (МДЛУ)да ўзбек тилини ўқитиши жараёнида синовдан ўтказдик. Натижаларни қиёсий таҳлил қилиш мақсадида МДУ талабаларига ўзбек тили машғулотлари лингвистик тамойилда, МДЛУ талабаларига эса функционал-

семантик тамойилда ташкил этилди. Ўқув йили охиридаги натижаларни қиёслаш лингвистик тамойилда ўқиган талабалар тил ҳодисаларини яхши фарқлашлари ва таҳлил қила олишларини, бироқ нутқий кўникмалари жуда паст даражада эканлигини, функционал-семантик тамойилда машғулот ўтилган МДЛУ талабаларининг эса диалогик ва монологик нутқий кўникмалар даражаси бир неча баробар юқорилиги, муайян фикрни ўзбек тилида ифодалашга оид кўникмалар тилни онгли тушуниб ва интенсив ўрганишга ёрдам беришини исботлади.

Таниқли методист олим М.Джусуповнинг қуйидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди: “Ўзга тилни коммуникатив асосда ўрганиши ҳозирги замон лингводидактикаси ва методикасининг асосий йўналишиидир. Бироқ иккинчи тил таълимида барча қийинчилкларни фақат коммуникатив таълим орқалигина енгиш мумкин деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Коммуникатив таълим мустаҳкам назарий асосларга эга бўлгандағина ва уни тақомиллаштиришида бошқа методлардан ҳам ўринли фойдаланилгандагина иккинчи тил таълимида сифат самарадорлигига эришиш мумкин. Бунда, айниқса, иккинчи тил таълимида борган сари кўпроқ ва кенгроқ тармоқ отаётган нутқни тил аспектларига етарли даражада таянмай шакллантириши методидан воз кечиши керак”.¹⁵ [56, 78]. Ушбу фикр республикамизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва амалий вазифаларига нисбатан татбиқ этилса, республикамизда русийзабон фуқароларга ўзбек тилини ўқитишни мутлақо ўзига хос тарзда ташкил этиш, “Ўзбек тили” дарсликларига нутқий сўзлашгич сифатида эмас, муҳим бир фан дарслиги сифатида қараш зарурлиги аён бўлади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасида узлуксиз мажбурий таълим тизимида ўзбек (давлат) тилини ўқитишнинг **асосий мақсади** ўрганувчиларнинг кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун ўқитишнинг **коммуникатив-нутқий тамойили** асосида ўқувчиларда ўзбек тили бўйича эгалланган билим, кўникмаларни мулоқот ва иш фаолияти жараёнида қўллаш малакасини шакллантиришга қаратилади.

Бунга эришиш учун асосий эътибор ўзбек тилини амалий ўрганишга, яъни таълим олувчиларнинг нафақат ўзбек тилидаги нутқни тинглаб ва ўқиб тушуна олишлари, ўзбек тилида сўзлаш ва ёзиш юзасидан кўникмалакаларга эга бўлишлари, балки уларни **турли нутқий вазиятларга мос равища қўллаган ҳолда эркин мулоқотга кириша олиш компетенцияларини, лаёқатларини шакллантириш** керак бўлади. Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакилларининг ўқиш ва ишлаш жараёнида маҳаллий миллат вакиллари билан тенг муносабатда бўлишлари,

¹⁵ Джусупов М. Лингвотипологические, социолингвистические и лингводидактические проблемы обучения неродному языку // Филология масалалари. –Тошкент, 2002. – № 1–2. –214 с.

барча соҳаларда эркин фикр алмашишлари учун ўзбек тили таълими халқаро стандарт талабларига жавоб бериши, ўзбек тилининг коммуникатив-нутқий ва лингвистик компетенцияси бўйича билим, кўнишка ва малакаларни етарли даражада эгаллашлари кўзда тутилади. Зоро, русийзабон фуқаролар ўзбек тилида нафақат оғзаки мулоқот юрита олишлари, балки давлат таълим стандартларида белгилаб қўйилганидек, “ёзма саводхонликка ҳам эга бўлишлари, ўз ихтисосликлари доирасида ва маъмурий-бошқарув тизимида бемалол расмий иши юрита оладиган бўлишлари зарур”¹⁶.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида амал қилиб келаётган ва самарали натижаларни берәётган компетенциявий ёндашувни тил таълимига татбиқ этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги 1875-сонли “Чет тилларни ўқитишини янада яхшилаш чоратадбирлари тўғриси”даги махсус қабул қилинган Қарори) ва чет тилларини ўқитиш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар, давлат таълим стандартлари талабларини халқаро стандартларга мувофиқлаштирилиши, чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими ишлаб чиқилгани, таълим жараёнининг ўқув-услубий адабиётлар ва замонавий воситалар билан таъминланиши таълим соҳасида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди.

Таъкидлаш керакки, ушбу қарор мамлакатимизда нафақат чет тилларни, балки умуман тил таълимини, шу жумладан, республикамизнинг давлат тили бўлмиш ўзбек тилини ўқитишини ҳам янада такомиллаштириш (ўзбек тили фанидан ДТС талабларини ҳам халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш ва таълимга компетенциявий ёндашувни жорий этиш, ўқув дастурлари мазмунини узлуксизлик ва узвийлик асосида қайта кўриб чиқиши) борасида катта ишлар амалга оширилишига сабаб бўлди.

Хозирги кунда таълим соҳасида “компетенция”, “компетенциявий ёндашув”, “компетентлилик” тушунчалари фаол қўллана бошлади. Тилшуносликда ушбу атама илк бор XX аср ўрталарида Н.Хомский томонидан қўлланган бўлиб, тилни ишлатиш жараёнида фаолиятга йўналтирилган билим, кўнишка ва малакалар мажмуи сифатида, таълим соҳасида уни қўллаш эса унинг издошлари томонидан компетенциявий ёндашув сифатида талқин этилган бўлиб, компетенентлилик ва компетенциявий ёндашув таълимда натижавийликни кўрсатувчи омиллар сифатида қайд этилган.¹⁷ Айтиш жоизки, луғатларда ушбу сўзларнинг маънолари турлича изоҳланади. Жумладан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да компетенция сўзига қуйидагича таъриф берилади:

“Компетенция- (лот. Competere- лаёқатли, муносиб бўлмоқ). 1) Муайян ташкилот ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган

¹⁶ Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти. ЎзР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-махсус сон. – Тошкент: Шарқ, 1999. — 262–302.

¹⁷ Зимняя И.Н. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Ж.Высшее образование сегодня, №5. – Москва, 2003. – С.34-42.

ваколатлари доираси; ваколат. 2) Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси”.¹⁸

Русча-ўзбекча таржима луғатларида эса бу сўз қуидагича шарҳланади: “**Компетенция-1.** Бирор киши яхши хабардор, омилкор бўлган соҳа; 2. юр. хукуқ (вазифа, иш) доираси.”;

“**Компетенция-1.** Бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала; 2. Ваколат, хукуқ ихтиёр; **Компетентный,-ая, -е,-тен, -тна-**етарли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) компетенцияга, яъни хукуқка эга бўлган; ваколатли; **Компетентность-чукур** билимга эгалик; чукур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик.”¹⁹

Берилган изоҳлар таълим соҳасида компетенция сўзини лаёқат, компетентликни эса лаёқатлилик деб, **таълимга компетенциявий ёндашувни** эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим йўналиши, деб тушуниш мақсадга мувофиқлигини қўрсатади. Тил таълимида компетенциявий ёндашув таълим олувчиларнинг ўрганаётган тили материалларидан ва олинган ахборотлардан ўз ҳаётий фаолиятида оқилона фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мустақил ифодалаш ва нутқий вазиятларга мос равища қўллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш, яъни тилни мақсадли равища амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришдан иборат.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равища касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қиласди.

Компетенциялар 2 асосий турга: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади. **Таянч компетенциялар** инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, у **I) коммуникатив компетенция:**

- жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тилини (ёки бошқа бир тилни) мукаммал ўзлаштириш ва мулоқотда самарали фойдалана олиш;

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -267-бет.

¹⁹ Русча-ўзбекча лугат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983. – Б.456.

- ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, саволларни мантиқан түғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;
- мулоқотда сұхбатдош фикрини хурмат қилған ҳолда ўз позициясини химоя қила билиш ва сұхбатдошини ишонтира билиш;
- турли зиддиятли вазиятларда ўз эхтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда конструктив қарорларни қабул қила олиш.

2) ахборот билан ишлаш компетенцияси:

- мавжуд ахборот манбаларидан (*интернет, телевизор, радио, телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.*) фойдалана олиш;
- медиа воситалардан керакли ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш;
- маълумотлар базасини яратса олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш;
- кундалик фаолиятда учрайдиган хужжатлар билан ишлай олиш.

3) шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши компетенцияси:

- ўзини шахс сифатида мунтазам ривожлантириб бориш, жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш;
- ҳаёти давомида ўқиб-ўрганиш, билими, тажрибасини мустақил равищда ошириб бориш;
- ўз ҳатти-ҳаракатини адекват баҳолаш, ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилик каби сифатларга эга бўлиш;
- ўқиб-ўргангандарни ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш.

4) ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

- жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш;
- ўз фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш
- фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;
- касбий мавқеининг ўсишига интилиши орқали жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саҳоватли бўлиш.

5) умуммаданий компетенциялар

- Ватанига садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;
- бадиий ва санъат асарларини тушуниш, таъсирлана олиш;
- кийиниш, юриш-туриш ва муомала-мулоқот юритишда маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш;
- умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиш ва эъзозлаш;

- ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, сахийлик, ўзгаларнинг дунёқариши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини хурмат қилиш;

- ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

6) математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши ҳамда фойдаланиши компетенцияси:

- аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини туза олиш;

- шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш;

- кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланиш;

- инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, соҳага тегишли **хусусий компетенциялар** ҳам шакллантирилади. Жумладан, ўзбек тилини ўрганища ўқувчи-талабалар **нутқий, лингвистик, социокультурологик, прагматик компетенцияларни** эгаллашлари талаб этилади.

1. Нутқий компетенция тил таълимининг қўйидаги 4 амали бўйича тил ўрганувчиларнинг ёш хусусиятларига мос кўникма-малакаларни шакллантиришга қаратилади:

тинглаб тушуниш бўйича: ўқитувчи ва сухбатдошининг нутқини, эшитилган ва эшиттирилган нутқни, тингланган матннаги асосий ахборотни, долзарб мавзулардаги радио ва теледастурларни тушуниш;

гапириш бўйича: ўзини таништириш, илтимос билан мурожаат этиш, таклиф этиш ва таклифни қабул қилиш/рад этиш, маълумот олиш ва бериш, ўзгалар фикрини қисқача шарҳлаш, муҳокамаларда иштирок этиш, мавзуларни муҳокама қилишда ўз шахсий қарашлари ва фикрларини билдириш, ўрганилган мавзу доирасида ўз фикрини боғланишли сўзлаб бериш, берилган мавзу доирасида тақдимот қила олиш кўникмаларини ривожлантириш;

ўқишиш бўйича: мавзуга оид материалларни, адабий-бадиий матнларни, оммабоп материалларни (газета, ҳикоя, шахсий ва электрон хатларни) ўқиш;

ёзиш бўйича: Мавзу бўйича матнлар тузиш ва расмий хужжатлар (хатлар ва электрон хатлар, тилхат, ариза, тушунтириш хати, таржимаи хол ва ҳ.к); ўрганилган мавзулар бўйича диктант, баён, иншо ёза олиш, ижодий матнлар туза олиш.

2. Лингвистик компетенция: кундалик ҳаётда фаол қўлланиладиган ижтимоий мавзуларга оид лугат бойлигини ошириб бориш, ўзбек тилининг

миллий маданий лексикасини, маънодош, шаклдош сўзларини билиш; ўзбек тили сўз ясалиши воситаларини билиш ва касб-хунарга йўналтирилган луғат бойлигини ошириб борищдан иборат бўлиб, буларнинг барчаси муайян изчиликда ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси бўйича назарий билимларни эгаллаш воситасида амалга оширилади.

3. Социокультурологик (ижтимоий-маданий) компетенцияда эшитилган нутқни шу халқнинг миллий хусусиятларини билган ҳолда ёки ўз она тили ва миллий анъаналари билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини шакллантириш ҳамда сўзловчининг коммуникатив мақсаддан келиб чиқсан муайян нутқий вазиятга мос лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имкониятини ҳосил қилиш, яъни: ўзбек тилидаги саломлашиш, мурожаат шакллари, муомала одоби меъёрларини, ўзбек тилида хабарлар, хатлар ёзиш қоидаларини, нутқий вазиятларда ўзбек тилининг ўзига хос нолисоний воситаларини амалда қўллаш кабиларни кўзда тутади. Ушбу лаёқат ўқувчи-талабаларни ўз халқининг бой тарихи, миллий қадриятларини, урф-одатлари ва уларни ўзида акс эттирган бой адабий-бадиий мерос билан яқиндан танишиш, уларни ўқиб ўрганиш, шундан келиб чиқиб, ўзбек адабиёти намуналарини, халқнинг тарихий, маданий ҳаётига хос муҳим лавҳаларни, жаҳон миллий маданиятига ҳисса қўшган ўзбек халқи вакилларининг ижодий меросини ўрганиш орқали шакллантирилади.

4. Прагматик компетенция ўзбек тили фани бўйича кундалик ҳаётида нутқий вазиятга кўра эгаллаган билим, кўникумлари асосида мустақил равишда мулоқотга кириша олиш қобилиятини, коммуникатив вазиятларда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, ўзаро сухбатлашиш, сухбатга қўшилиш, сухбатдошининг нутқини секинлаштиришга ундашга оид муомала одоби воситаларини амалда қўллаш, эгалланган билимларнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдалана олиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутади.

Қайд этилган компетенциялар таълим олувчиларда шахсий, маънавий, ижтимоий, касбий кўникум-малакаларини таркиб топтиришга ва эгаллаган билимларини турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган лаёқатларини шакллантиришга олиб келади ва нутқий коммуникатив малакани эгаллаш орқали

Қайд этилган компетенциялар ҳам **умумтаълимий мақсадни**, ҳам **тарбиявий мақсадни** кўзда тутади ҳамда таълим олувчиларда эгалланган билим, кўникум ва малакаларни турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган **метакомпетенциялар** таркиб топишига олиб келади.²⁰

²⁰Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. –Тошкент, 2013.(лойиха)

Бироқ кўзда тутилган провард натижага эришиш учун ҳар бир таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган компетенцияларнинг меъёрий даражаси талабларини бажарилишини таъминлаш керак бўлади.

Қайд этиш керакки, мамлакатимиз таълим тизимида чет тилларини ўқитиш тизимида қабул қилинган ва жаҳон миқёсида амал қиласиган халқаро CEFR даражаларининг²¹ жорий этилиши республикамизда ўзбек ва рус тилларини ўқитиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Компетенциявий ёндашув таълимда натижавийликни кўрсатувчи муҳим омиллардан бири эканлигидан келиб чиқиб, бугунги кунда нафақат тилларни, балки барча фанлар бўйича давлат таълим стандартларини ҳам такомиллаштириш вазифаси кун тартибига қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими марказининг саъй-ҳаракати билан умумтаълим ва ўрта маҳсус таълим тизимларида ўқитиладиган барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари такомиллаштирилди, ҳар бир таълим босқичига мос компетенциявий даражалар талаблари белгиланди ва 2013-2014 ўқув йилидан тажриба майдончаларида синовдан ўтказила бошланди. Мазкур такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари талабларида барча фанлар бўйича бошланғич таълим босқичининг 4-синфини тугатаётган ўқувчилари учун жаҳон таълим стандартларининг A1 даражаси, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфлари битирувчилари учун A2 даражаси, ўрта маҳсус таълимда академик лицейлар ва қасб-хунар коллажлари битирувчилари учун B1 даражаси меъёр сифатида белгиланган. ДТС талаблари асосида ўқув дастурлари мазмуни ҳам қайта кўриб чиқилиб, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицейлар ва қасб-хунар коллажлари учун узвийлаштирилган 9+3 ўқув дастури ҳам тузилди.

Давлат таълим стандартлари талабларини бажариш, аввало, ҳар бир таълим босқичи бўйича белгиланган компетенциялар даражаларини ҳамда таълим олувчиларда ушбу лаёқатларни таркиб топтиришга йўналтирилган таълим мазмунини билишни тақозо этади. Бошқача айтганда, бугунги кунда фан ўқитувчиларидан ўқувчилар муайян таълим босқичини тугатаётганда, қандай малакаларга эга бўлиши кераклиги, ўқувчидан ушбу малакалар қандай билимлар асосида шакллантирилиши зарурлигини яхши билиш ва ўқувчиларда ушбу малакаларни қўллашга оид лаёқатни, яъни компетенцияни таркиб топтириш талаб қилинади.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида хорижий тилларни ўқитиш амалиётида қўлланиб келаётган сертификатлаштириш тизимининг самарали натижалари барчамизга маълум. Шундай экан, ўзбек тили таълимига ҳам

²¹Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка. – М.: Изд-во МГЛУ (русская версия), 2003. – 256 с.

компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш ва ҳар бир таълим босқичида лаёқатлилик даражаси бўйича ДТС талабларининг бажарилишига эришиш учун сертификатлаштириш тизимини қўллаш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўла олади.

Бунинг учун давлат таълим стандартлари талабларига кўра бошланғич синфни тугатган ўқувчи A1 даража қўрсаткичларига жавоб бера олишини таъминлаш, 9-синф битиравчиси академик лицейлар ёки касб-хунар коллежларига қабул қилиниши учун A2 даража талаблари бўйича синовдан ўтиши, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими босқичи битиравчилари B1 ёки B2 даража талабларига жавоб берсагина, олий таълим муассасаларига кириш хуқуқини қўлга киритиши, шунингдек, олий таълим босқичлари битиравчилари C1, C2 даражаларнинг қай бирига лойиқлигига кўра касбий лавозимларга ишга қабул қилиниши белгилаб қўйилиши ва шунга қатъий амал қилиниши зарур, деб ўйлаймиз.

Бироқ давлат таълим стандартларини такомиллаштиришда айрим масалаларга кам эътибор қаратилаётганини таъкидлаш керак.

Маълумки, бошланғич синфларга ўзбек тили ўз она тили бўлган болалар, ўзбек тили ўз она тили бўлмаса-да, ўзбек тили мухитида туғилиб ўсган болалар ва чет тилларини умуман билмайдиган болалар ўқишга қабул қилинади. Демак, уларга она тили, ўзбек тили, чет тили фанларидан бир хил даража талабларини қўйиш мантиқан мумкин эмас. Афсуски, ҳозирги кунда бошланғич синфларда тил таълимининг халқаро стандартларида тил билимининг энг қуи малакавий қўрсаткичи ҳисобланувчи A1 даража талаблари чет тилларини ўқитиш учун ҳам, она тили ўқитиш учун ҳам, ўзбек тилини ўқитиш учун ҳам бир хилда белгиланган.

A1 даража талабларига кўра тил таълимида ўқувчилар дарсга оид қўрсатмалар ва ўқитувчи нутқини, ўзаро савол-жавоб, топшириқларини, кичик матнлар, топишмоқ, эртак ва ҳикояларни тинглаб тушуна олиш, сўзлаш малакаси бўйича саломлашиш, ўзини ва манзилгохини тушунтириш, илтимос қилиш, кечирим сўраш, раҳмат айтиш, табриклиш, воқеа-ходиса ёки предмет тасвирини содда баён қилиш, топишмоқ ва кичик эртакларни сўзлаб бера бериш, ёшига мос содда тақдимотлар қила олиш малакасига эга бўлишлари керак. Ушбу талабларни ўрганиб чиқиш, миллий мактабларда бошланғич синф ўқувчиларининг (ҳатто таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларининг аксарият қисми ҳам уларнинг кўпчилигини ўзбек ва туркий миллатлар фарзандлари ташкил этиши туфайли) қайд этилган малака қўрсаткичларини, шунингдек, ўзбек тилида мулоқот жараёнида қўлланадиган новербал элементлар: қўлинин кўксига қўйиб саломлашиш, ҳа ва йўқ ишораларини ҳамда ўзбекча муомала одобини нутқий вазиятларга мос ҳолда, яъни катталарга, кичикларга, тенгдошига нисбатан тўғри қўллашни мактабгача ёшидаёқ билишларини қўрсатди.

Кўринадики, ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талаблари чет тилларни ўқитишга қўйиладиган талаблар билан бир хил бўлиши мумкин эмас. Халқаро CEFR даражаларида тилнинг она тили сифатида ўқитилиши ва чет, хорижий тил сифатида ўқитилиши алоҳида қайд этилган бўлиб,

жаҳоннинг барча мамлакатларида тил она тили сифатида ўқитилаётганда талаблар бир даража юқори туриши қатъий белгилаб қўйилган. Айтилганлардан келиб чиқиб, она тилидан A1 даражага талабларини мактабгача таълим тарбияланувчилари, мактабга тайёрлов синфлари учун белгиланиши ва мактабга қабул қилинаётган болаларни шу даражага талаблари асосида сухбатдан ўтказиб қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. 1-синфга болаларни сухбатдан ўтказиб қабул қилиш тажрибаси кўпчилик мактабларда бир неча йиллардан бери амал қилаётганини барча билади.

Бу ўринда масаланинг яна бир томонига ҳам эътибор қаратиш лозим. Тилларни ўқитишнинг халқаро тажрибасида тилни тил муҳитида ўргатиш ва тил муҳити бўлмаган жойда ўргатиш алоҳида қайд этилади. Республикаизда таълим бошқа тилларда таълим олаётган ўқувчиларнинг аксарияти ўзбек ва қариндош туркий тиллар оиласига мансуб тил соҳибларининг фарзандлари эканлиги, ҳатто қариндош бўлмаган рус тили соҳибларининг ҳам тил муҳитида катта бўлғанликлари уларнинг ҳам мактабга A1 даражага талаблари асосида қабул қилиниши мумкинлигини кўрсатади. “Ўзбек тили” фанидан A2 даражага бўйича қайд этилган таълим мазмуни ва малакавий кўрсаткичлар бошланғич синф ўқувчиларида бемалол шакллантирилиши мумкин. Ушбу даражага талабларига кўра 3-4-синфда ўқувчиларда ўзбек тилидаги нутқ товушларини якка ҳолда ва сўз ичида тўғри ўқий олиш, сўзларни сўз урғусини тўғри қўйган ҳолда ўқиши, ўзлаштирилган тил материалидан иборат қисқа матнларни муайян тезликда равон ўқиши, кичик ҳажмдаги шеърларни ифодали ўқиши ва ёд айтиш каби ўқиши компетенциясига оид малакалар, графика ва орфография бўйича эса лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги барча ҳарфларнинг босма ва ёзма, бош ва кичик шаклларини билиш, ҳарфларни ёзма шаклда ҳусниҳат қоидалари асосида ёзиш, сўзларни бўғинларга бўлиш ва бўғин кўчириш қоидалари ҳамда сўзларнинг морфологик шаклларини имло қоидалари асосида тўғри ёзиш малакалари шакллантирилиши тақозо этилади. Бизнингча, бошланғич таълим босқичида 4-синфи тугатаётган ўқувчилар учун эса компетенциявий талабларнинг A2 даражасини, умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфи битирувчилари учун B1 даражага талабларини, ўрта маҳсус таълимда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун эса B2 даражасини меъёр сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, яна бир ҳолатга ҳам жиддий эътибор қаратишимииз керак. Такомиллаштирилган давлат таълим стандартларида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун компетенциявий талабларнинг B1 даражаси белгиланган. Бу аснода узлуксиз таълим тизимининг кейинги олий таълим босқичида бакалавр талабалар учун компетенциявий талабларнинг B2 даражаси, магистратура босқичи учун эса C1 даражаси белгиланиши керак бўлади. Бу эса 2та муаммоли ҳолатга олиб келиши аниқ: биринчидан, республиканизнинг давлат тили ҳисобланувчи ўзбек тилини мукаммал даражасини кўрсатувчи C2 даражага ҳеч кимдан талаб этилмаслигига, иккинчидан, олий таълим муассасаларида ўзбек

филологиясидан бошқа барча йўналишларда она тили фани ўқитилемаслигидан келиб чиқилса, нофилологик олий таълим муассасалари талабалари учун ўз она тилини ёки республикамизнинг давлат тилини В2 даражада билишлари етарли бўлиб қолади.

Қайд этилган мулоҳазалар ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини янада такомиллаштирилиши зарурлигини қўрсатади. Зеро, мустақиллигимиз шарофати билан давлат тили мақомини олган она тилимизни янада равнақ топдириш, унинг барча томонидан эътироф этилиши ва истиқлол берган буюк неъмат сифатида қадрланишига барчамиз масъулмиз.

Назорат саволлари:

1. Жаҳон тажрибасида қўлланадиган тил таълими тамойиллари ҳақида маълумот беринг.
2. Кейинги йилларда ўзбек тилини ўқитишга қандай замонавий ёндашувлар жорий қилинмоқда?
3. “Компетенция”, “компетентлик”, “компетенциявий ёндашув” атамаларининг маъноларини изоҳланг.
4. Компетенцияларнинг турлари ва меъёрий даражаси талаблари ҳақида маълумот беринг.
5. Тил таълимининг халқаро компетенциявий даражалари ва уларни бошқа фанларга татбиқи ҳақида тушунча беринг.
6. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини такомиллаштиришда мавжуд муаммолар?

Таянч ибора ва тушунчалар глоссарийси

Тил таълими тамойиллари-тилларни ўқитишида амал қиласиган йўналишлар

Компетенция- (лот. competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси

Компетентлик- чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик

Компетенциявий ёндашув-эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантириш

Халқаро CEFR даражалари-чет тиллари бўйича эгалланган билимларни амалий қўллай олиш малакавий қўрсаткичларининг халқаро миқёсда қабул қилинган компетентлилик қўрсаткичлари

Давлат таълим стандартлари талаблари-ҳар бир фан бўйича муайян таълим босқичи битиравчиларига қўйиладиган малакавий

талаблар

**Таянч компетенциялар-инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва
касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини
эгаллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш**

**Хусусий компетенциялар-хар бир фан бўйича эгалланган билим, кўникма,
малакалар асосида шакллантирилган лаёқатлар даражалари**

**Нутқий компетенция-tinglab тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмалари
воситасида таълим олувчида шакллантирилган тил
материалларини амалий қўллаш лаёқати**

**Лингвистик ёки тил компетенцияси-муайян тил бўйича бериладиган
фонетик, лексик, грамматик билимларни амалий қўллаш
лаёқати**

**Лингвокультурологик компетенция-ўрганилаётган тилда акс этган тил
эгаларининг миллий-маданий хусусиятлари, қадриятлари
тизимини ўрганиш ва нутқда қўллаш лаёқати**

**Прагматик компетенция-кундалик ҳаётда эгалланган билим, кўникмалар
асосида нутқий вазиятларга мос равишда мустақил ҳолда
мулоқотга кириша олиш лаёқати**

Сертификатлаштириш тизими – эгалланган билимлар асосида муайян
тилни амалий қўллай олиш малакавий компетентлилик
кўрсаткичи бўйича гувоҳнома бериш тизими

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

- 1.Идеографические аспекты русской грамматики / Под ред. В. А. Белошапковой и И. Г. Милославского.-Москва: МГУ, 1988. – З-10-б.
2. Пассов Е. И. Коммуникативные упражнения (пособие для преподавателей). -Москва-Ленинград: Просвещение, 1967.-84-91-б.
3. Ҳолиқбердиев Қ. Ўқишилар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.-Тошкент: 1971.
4. Йўлдошев Р. Узлуксиз ўзбек тили таълимида функционал-семантик ёндашувнинг татбиқига доир // Узлуксиз таълим.-Тошкент: 2008.-5-сон.-Б. 20-24.
5. Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиши истиқболлари хақида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари.-Тошкент: 2007.-Б. 192-193.
6. Қодиров М. Ўзбек тилидан программа (дорилфунунлар факультетларининг рус гурухлари учун).-Тошкент, 1990.-19 б.

7. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти. ЎзР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-махсус сон. - Тошкент: Шарқ, 1999.-262-302.
- 9.Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению.-Москва: Просвещение, 1989.-277 с.
10. Махмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.- Тошкент, 2009.-1-сон.-Б. 3-9.
11. Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиш истиқболлари хақида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари.-Тошкент: 2007.-Б. 192-193.
12. Махмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.- Тошкент, 2009.-1-сон.-Б. 3-9.
- 13.Жалолов Ж. Лингводидактик адаптация хусусида // Замонавий тилшунослик ва хорижий тилларга ўргатиш методлари.-Самарқанд, 1999.-Б. 43-47.
14. Аҳмедова Г. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ясама сўзлар билан бойитишнинг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед. фан. ном. ... дис.-Тошкент, 2006.-164 б.
15. Джусупов М. Лингвотипологические, социолингвистические и лингводидактические проблемы обучения неродному языку // Филология масалалари. –Тошкент, 2002.-№ 1-2.-214 с.
16. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти. ЎзР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-махсус сон.-Тошкент: Шарқ, 1999.-262-302.
17. Зимняя И.Н. Ключевые компетенции-новая парадигма результата образования // Ж.Высшее образование сегодня, №5.– Москва, 2003.-С.34-42.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -267-бет.
19. Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. .-Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983. -Б.456.
20. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битиравчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари.-Тошкент, 2013.(лойиха)
- 21.Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка.-М.: Изд-во МГЛУ (русская версия), 2003.-256 с.

З-мавзу. Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш

Режса:

1. Олий таълимда ўзбек тилини ўқитища қуи таълим босқичлари билан узлуксизликни таъминлаш
2. Нофилологик ОТМлар да ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

Таянч тушунчалар: ОТМ, классификатор, намунавий дастур, ишчи ўқув дастури, мутахассислик йўналишлари, филологик йўналиш, нофилологик йўналиш, ихтисослик соҳалари, олий малакали илмий-педагогик кадрлар, компетентлик даражаси

Олий таълим республикамиз таълим тизимининг муайян соҳалар бўйича мутахассислар тайёрловчи энг юқори таълим босқичи бўлиб, талabalарни соҳавий, касбий фаолиятига йўналтириш, ҳар бир фанни мутахассислик йўналиши билан боғлаб бориш, талabalарнинг мустақил ўқиб-ўрганиш фаолиятини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, олий таълимдаги дидактик тамоиллар тизимида илмийлик, онглилик, касбий йўналтирилганлик, фаоллик, мустақиллик ва индивидуаллик каби таълимнинг тарбияловчи ва такомиллаштирувчи тамоилларини ўзаро узвий боғлиқликда қўшиб олиб бориш талаб қилинади. “Ёшлар йили” давлат дастурида “*Таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириши, мактаблар, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидағи таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш*”¹ вазифаси ўртага қўйилган эди. Ушбу муҳим вазифани амалга ошириш учун, хусусан, олий таълим босқичида берилиши режалаштирилган билимлар таълимнинг узлуксизлик ва ривожлантирувчи тамоиллари асосида қуи таълим босқичларидан мазмуний узвийликда ўсиб чиқадиган, айни пайтда олий

¹ “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. –Тошкент: Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.

таълим йўналишларига мос, талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун ёрдам берадиган бўлишига зарур бўлади.

Маълумки, олий таълим муассасалари олий таълим йўналишлари классификаторида қайд қилиб ўтилган ихтисослик соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар умумметодологик, яъни гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар, умумкасбий, мутахассислик ва танлов фанлари ўқув блокларига ажратилади ва олий таълим ўқув режасига биноан ҳар бир фаннинг ўқув соати аниқ белгилаб берилади. Ушбу тақсимот қанчалик пухта, чуқур ҳисоб-китоб асосида тузилганига қарамай, айрим фанларни режалаштиришда таълим йўналиши хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинмаган ҳоллар ҳам мавжуд. Чунки ҳар бир фандан бериладиган билим ва малакаларни мутахассислик фанларига ҳам боғлаб ўтиш зарурати ушбу блокдаги ўқув фанлари бўйича тузиладиган ўқув дастурларининг мутахассислик йўналишларига мувофиқ тузилишини ва соат тақсимоти ҳам шундан келиб чиқсан ҳолда белгиланишини тақозо этади.

Олий таълим мутахассислик йўналишлари бўйича, аввало, филологик (ижтимоий-гуманитар) ва нофилологик (табиий фанлар) йўналишларга бўлинади. Ҳар бир йўналиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ўқув материалини танлаш ва таълим услубиётини белгилашда, албатта, ўз аксини топади. Рус гурухларида ўзбек тили фани ҳар икки йўналишда ҳам ўқув режасига кўра биринчи-ижтимоий-гуманитар фанлар блокига киритилган бўлиб, барча мутахассислик йўналишларида ўқув режасига биноан ушбу блокдаги ўқув фанлари барча олий ўқув муассасаларида бир хил ҳажмда ўқитилиши режалаштирилган. “*Таълим амалиёти ва назариясининг вазифалари турлича бўлгани ҳолда объект, материал ва манфаатлар умумийдир-ушбу объектнинг қурилишини якунлашдир*” деб ёзган эди Г. А. Золотова.²

Ҳақиқатан ҳам, олий ўқув юртларининг филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тили таълими амалиёти турлича бўлса-да, якуний натижалар барча учун бир хил давлат таълим стандарти талабларига мос бўлиши тақозо этилади, яъни талabalар ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда, ўз мутахассислиги, касбий фаолияти соҳасида республиканизнинг давлат тилида оғзаки ва ёзма эркин фикр билдира олиш малакаларини эгаллашлари

² Золотова Г. А. Некоторые вопросы синтаксической теории и обучение к русскому языку // Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. – Москва: Русский язык, 1995. –С. 35.

тақозо этилади. Шу боис биринчи блокка киритилган умумижтимоий фанларнинг барчаси (шу жумладан, рус гурухларидағи ўзбек тили фани ҳам) шу фан бўйича таянч олий ўқув юрти томонидан тавсия этилган намунавий ўқув дастури асосида ўқитилиши ишчи ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар, дарсликларни тузишда намунавий ўқув дастурга асосланиш талаб этилмоқда.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, айрим йўналишлар ўзбек тилини ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда чуқурроқ, кенгроқ билишни тақозо этса, айрим мутахассисликларда оғзаки мулоқотнинг ўзи етарли бўлади. Жумладан, филологик йўналишдаги олий ўқув юртлари филологлар, журналистлар, таржимонлар, ўқитувчилар, мухаррирларни тайёрлайди. Бу соҳа мутахассислари республикамизнинг давлат тилини мукаммал билишлари, нафақат оғзаки мулоқот юритишда, балки ёзма нутқда ҳам саводхон бўлишлари зарур. Шу боис ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларининг рус гурухларида ўзбек тили дарсларини техник, иқтисодий, тиббий йўналишдаги олий таълим муассасаларидаги каби қисқа ҳажмда ўқитилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Шунингдек, ҳукуқшунослик, дипломатлар, маданият ва санъат ходимлари, кутубхоначилик каби айрим ижтимоий йўналишлар соҳалари мутахассислари ҳам филологик билимларни нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишлари керак. Афсуски, ҳозирги кунда ҳар бир фан бўйича бир хиллик ва меъёри таъминлаш мақсадида барча олий таълим муассасалари учун бир хил соат ҳажмининг белгилангани ва битта намунавий ўқув дастурининг жорий этилгани таълим йўналишлари ва мутахассислик хусусиятларининг ҳисобга олининини қийинлаштириб қўйди.

Жумладан, ОТМларнинг рус гурухлари учун ўзбек тили фанидан намунавий ўқув дастури сифатида 2004 йилда А. Рафиев, М. Ҳамдамова ва Ҳ. Қаҳҳоровалар ҳаммуалифлигига тузилган ва таянч олий ўқув юрти-Ўзбекистон Миллий университети томонидан тавсия этилган ўқув дастури барча йўналишлардаги олий ўқув юртлари учун асос ҳисобланади.³ Ҳар бир олий ўқув юрти ўз ишчи дастурини ушбу намунавий дастур асосида тузади. Бу ўринда олий ўқув юртлари ўз йўналишидан келиб чиқиб, ишчи ўқув дастурига 30% гача ўзгартириш киртишлари мумкинлигини ҳам таъкидлаш керак.

Намунавий ўқув дастури нутқий мавзулар бўйича бўлимлаштирилган бўлиб, ҳар бир машғулот (бўлим) учун ижтимоий-маиший мавзулар

³ Рафиев А., Ҳамдамова М., Қаҳҳорова Ҳ. Ўзбек тили фанидан намунавий ўқув дастури. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. –14 б.

танланган. Грамматик маълумотлар эса анъанавий лингвистик тамойилда, улар миллий гурухлардаги она тили фани каби изчилликда, фақат бироз қисқартирилган шаклда берилган. (“Нутқ товушлари, уларнинг рус тили товушларидан фарқи. Урғу, оҳанг”, “Содда, қўшма ва жуфт сўзлар”, “Лексик қатламлар, бетараф услубга оид сўзлар. Синоним, омоним, антоним, пароним. Тасвирий ифодалар. Шевага хос сўзлар”, “Сифат ва равиш”, “Ўзлик олмошининг қўлланиши”, “Синтактик алоқа ва унинг турлари” каби). Бу ҳолат нутқий ва грамматик мавзулар ўртасида мазмуний узвийликнинг бузилишига ва ўзбек тили таълимида коммуникатив-нутқий тамойилнинг тўлиқ таъминланмаслигига олиб келди.

Бундай муҳим ҳужжатлар аслида ҳар бир йўналиш бўйича етакчи олий таълим муассасаларида муҳокамадан ўтказилиб, уларнинг тавсиялари ижобий бўлгандагина, намунавий дастур сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Техник, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва шу каби йўналишлардаги олий ўқув юртларида ўзбек тили таълимида кўпроқ ихтисосликка оид мавзулар ва матнлардан фойдаланилиши боис кўпчилик олий ўқув юртларида мазкур намунавий дастур асосида тузилган ишчи ўқув дастурлари бир қатор ўзгартиришлар билан қабул қилинган.

Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг рус гурухлари учун ўзбек тилидан тузилган ишчи ўқув дастури аннотациясида қуидагилар қайд қилинган: “Ушбу дастур “Ўзбек тили” фанидан намунавий дастур (бакалавр йўналиши учун) асосида тузилган. 5220100-филология, 5220200-тарих, 5221000-фалсафа, 5220400 -диншунослик, 5220500-халқаро муносабатлар, 5310100-халқаро сиёsatшунослик, 5341000-мintaқашунослик, 5341100-жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар таълим йўналишларига мувофиқ равишда 40 фоиз ўзгартириш киритилган”⁴.

Қайд қилиш керакки, айрим ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларда бундай ўзгартиришларда намунавий дастурда берилган грамматик маълумотлар янада қисқартирилиб, асосан тилнинг морфология сатҳига оид от, сифат, сон, олмош, феъл каби мавзуларни ўтиш режалаштирилганини, айрим олий таълим муассасаларининг ишчи ўқув дастурларида ҳатто

⁴Лафасов Ў.П., И smoилов А.К., Мадвалиев А.П. Ўзбек тили (университетлар ва институтларнинг русийзабон гуруҳ талабалари учун дастур). – Тошкент: ТДШИ, 2006. – 16 6.

бошланғич синфларда берилган маълумотлар қайтарилаётганини ҳам кузатиш мумкин.⁵

Олий ўқув юртлари учун мазкур намунавий дастур асосида ёзилган ўзбек тили дарсликларининг аксариятида Мувофиқлаштирувчи кенгаш талабига биноан нутқий мавзуларга бўлиниш ва бўлимларнинг номланиши саклаб қолинган, бироқ грамматик маълумотлар эса анъанавий лингвистик изчилликда берилган. Нутқий мавзуларнинг коммуникатив йўналишда, грамматик маълумотлар эса лингвистик йўналишда берилгани боис, уларнинг ўзаро мазмуний узвийлиги ва билимларнинг босқичлараро узлуксизлиги таъминланмаган. Бу камчиликни бартараф этиш, аввало, олий таълим муассасалари учун намунавий ўқув дастурини таълим йўналишларига мослаб, узвийлик, узлуксизлик талабларидан келиб чиқсан ҳолда қайта тузишни, уларда қуий таълим босқичларида ўтилган нутқий ва грамматик билимларнинг тадрижий ўсиб чиқшини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Айнан шу мақсадда С.Аширбоев, С.Адилова ва бошқалар томонидан бакалавриат босқичи рус гурухлари учун ўзбек тилидан янги йўналишдаги тажриба-синов дастури тузилди ва 2007-2008 ўқув йилларида айрим олий ўқув муассасалари (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент тўқимачилик институти)да тажриба-синовдан ўтказилди.⁶

Ўқув дастури З қисмга бўлинган бўлиб, 1-қисмда умумий-коммуникатив мавзулар, 2-қисмда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, иқтидорли талабалар билан ишлаш ва педагогик технологиялардан фойдаланишга доир тавсиялар ва адабий-бадиий матнлар рўйхати, 3-қисмда эса қўшимча фойдаланиш учун назарий материаллар мавзулари берилган.

Тузувчилар ўқув дастурида коммуникатив тамойил билан лингвистик-анъанавий тизимли тамойилни бир-бирига уйғунлаштиришга ҳаракат қилганликларини таъкидлаб, “*дастур асосан коммуникатив, қисман анъанавий тизимли методларни уйғунлаштирган ҳолда тузилганини*” қайд қиласидилар. Даструрда умумий-коммуникатив мавзулар учун умумтаълим мактабларидаги каби 12та нутқий мавзу (1.Тил-маънавият кўзгуси. 2.

⁵ Келдиёрова Г., Боймуҳамедова Л., Аблаева Н. Ўзбек тилидан ишчи ўқув дастури. – Тошкент: ТКТИ, 2006.

⁶Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Дўсанов Н. Ўзбек тили. ОЎЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.

Мустақил Ўзбекистон. 3.Касбим-фаҳрим. 4.Талаба ва замон. 5. Халқаро алоқалар. 6. Анъаналар. 7. Тарих, фан, санъат. 8. Она табиат-кўриқхона! 9. Бизнес оламида. 10. Соғлом турмуш тарзи. 11.Услубият. 12.Баркамоллик сари) танланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ичида босқичли кичик нутқий мавзуларга бўлинган. (11-мавзу бундан мустасно, унда грамматик мавзу-“Услубият” мавзуси танланган ва у илмий маъруза, шартнома тузиш, газета мақоласи каби мавзуларга бўлинган.)

Тузувчилар “барча материаллар умумий коммуникатив мавзулар атрофида бирлашиши”ни қайд қилган ҳолда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг “Ўзбек тили” дастурларидаги каби нутқий мавзуларнинг З босқичли кенгайтирилган режасини ҳам тавсия этганлар. Афсуски, дастурда нутқий ва грамматик маълумотларни уйғунлаштириш орқали мазманий узвийликка эришишга эътибор қаратилмаган.

Умумий-коммуникатив мавзулар рўйхатидаги 11-мавзунинг “Услубият” деб аталиши ва илмий маъруза, шартнома тузиш, публицистик мақола устида ишлашга бағишланганининг кўзда тутилгани ҳам ўзбек тили таълимида фақат нутқий мавзулар билан чегараланиш етарли эмаслиги, талабаларда муайян нутқий кўникмаларни шакллантириш учун грамматик билимлар ҳам берилиш зарурлигини тузувчилар яхши билишларини таъкидлайди. Бироқ бунга ҳар бир мавзуда риоя қилинмагани дастурда кўзда тутилган мақсад тўлиқ амалга оширилмаганлигидан далолат беради.


Умуман, олий таълимда ўзбек тилини ўқитиша узлуксизликни таъминлаш масаласида ҳали жиддий камчиликлар кўп. Олий таълимда таълим сифатини яхшилаш учун, аввало, куйи таълим босқичларида ўзбек тилидан амал қилаётган ўқув дастурлари мазмунини ўрганиб чиқиш ва ўзбек тилини ўқитиша таълим босқичлариаро узлуксизлик таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш керак. Айтиш жоизки, айрим илмий-методик тадқиқот ишларида таълим босқичларида ўзбек тилидан берилиши кўзда тутиладиган билимлар, шакллантириладиган кўникма ва малакалар узлуксизлигини таъминлаш бўйича илмий жиҳатдан асосланган амалий тавсиялар тақдим этилган бўлса-да, афсуски, уларни ўрганиб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш масалалари суст ҳал этилмоқда.

Мазкур концепцияда З асосий таълим босқичи: умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиша таълим мазмуни ва уларни ўзаро узвийлик ва узлуксизликда ўстириб боришининг таъминланиши аниқ чегаралаб қўйилиши керак. Ушбу концепцияда умумий ўрта таълим босқичида ўзбек тилидан БКМлар узлуксизлиги-ўрта маҳсус, касб-хунар таълим босқичида ўзбек тилидан БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши-олий таълимда ўзбек тилидан

бериладиган БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши аниқ кўрсатиб қўйилиши тил материалларини беришда такрорлар, қайтариқлар бўлмаслигини, бериладиган билим, кўникма, малакаларнинг босқичдан босқичга ривожлантириб борилишига эришишни тўлиқ таъминлайди.

Намунавий дастурларни тузишда, албатта, ушбу концепциядан келиб чиқилиши керак. Кўйида ўрта махсус таълим босқичида ўзбек тилидан бериладиган билим, кўникма, малакалар ва уларнинг олий таълим босқичида тадрижий ўсиб боришини акс эттирилган:

Олий таълимда ўзбек тилидан бериладиган БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши



Олий таълим узлуксиз таълим тизимидағи энг юқори таълим босқичи бўлгани учун ушбу босқичда ўзбек тилидан бериладиган қуи босқичларда эгалланган билимлар, шакллантирилган кўникмаларни комплекс ҳолда амалий қўллаш малакаларини таркиб топдириш керак бўлади. Шу боис олий таълим учун ўқув дастурида мавзуларни муайян фикрни ифодалашга йўналтирган ҳолда номлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Масалан: белги ва миқдорни ифодалаш, нутқ обьектини ифодалаш, харакатнинг ҳолатини ифодалаш (бунда ўрин, пайт, сабаб, мақсад, натижа, шарт ва тўсиқсизлик, даража-миқдор, ўхшатиш-қиёслаш маъноларини ифодалаш ҳам кўзда тутилади), фикрни боғланишли ифодалаш (бунда талабаларнинг матн ва

унинг турлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш, монологик нутқ қўникмаларини ривожлантириш қўзда тутилади), фикрни турли услубларда ифодалаш (бунда турли нутқ услублари, хусусан, илмий ва публицистик услугба фикр ифодалаш воситаларига кенг ўрин бериш зарур бўлади) каби.

Қайд этилган мавзуларда муайян фикрни ифодалашда қўлланиладиган тил воситалари комплекс тарзда ўргатилиши, айниқса синтактик синонимик воситаларга катта эътибор қаратилиши (яъни бир фикрни содда гаплар воситасида, қўшма гаплар воситасида, турли услубларда ифодалаш йўлларини кўрсатиш) қўзда тутилади, Мавзуларни шу тарзда мантиқий умумлаштирилган шаклда бериш олий ўқув юртлари учун ишчи дастурларини мутахассислик йўналишларига мос ҳолда тузиш учун кенг имконият беради, яъни ишчи ўқув дастурларида олий ўқув юртлари ҳар бир мавзуни таълим йўналишидан келиб чиқсан ҳолда кенгайтиришлари учун шарт-шароит яратилади.

Филологик йўналишдаги олий таълим муассасаларида фикр ифодалаш воситаларининг барча шаклларини кенгроқ ва чукурроқ бериш, айниқса синтактик синонимика-сўз бирикмалари ҳамда содда ва қўшма гаплар синонимикаси бўйича амалий қўникмалар ҳосил қилиш, лисоний ҳодисаларнинг мантиқий асосларини тушунтириш, гап бўлакларининг ўрни, сўзларнинг ўзаро боғланишини ўргатиш орқали русийзабон талабаларда ўзбек тилини ўз она тили ва бошқа тиллар билан қиёслай олиш, матнларни турли тилларга мустақил таржима қила олиш қўникмаларини ҳосил қилдиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу назарий билимлар ҳамда машқлар, адабий ўқиши материаллари орқали ўзбек тилидаги турли нутқ услублари ҳақида кенг маълумот беришни режалаштириш мумкин.

Филологик олий ўқув юртлари талабалари грамматик ҳодисанинг моҳиятини тушунишга, уни ўз она тилларига қиёслашлари, сўнгра мисоллар воситасида грамматик билимларни мустаҳкам билиб олиб, уларнинг нутқий-услубий қўлланишларига хос хусусиятларни ўзлаштиришлари керак. Бунинг учун улар ўзбек тилига хос лексик-стилистик хусусиятларни, сўзларнинг маъно қирралари, услубий қўлланишлари ҳақида маълумот олишлари, грамматик ҳодисаларни лингвистик тизимда ҳам ўзлаштиришлари зарур бўлади. Таниқли тилшунос олим Н. Маҳмудов тил таълимида муайян натижага эришиш учун стилистика фани бўйича маълумотларни билишнинг аҳамияти ниҳоятда улканлигини алоҳида таъкидлайди.⁷

⁷ Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.–Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.

Нофилологик олий ўқув юртлари ижтимоий, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, техник, маданият ва санъат каби йирик йўналишларга бўлинади. Ушбу олий ўқув юртларининг рус гурухларида ўзбек тилини ўргатишдан кўзланадиган асосий мақсад талabalарда ўз мутахассислиги соҳасида давлат тилидаги коммуникатив нутқий малакани шакллантириш, мутахассислиги бўйича илмий мақолаларни, илмий асарларни ўқиб тушуниш, уларга нисбатан фикр билдириш, узвийлик учун зарур материални рус тилидан ўзбек тилига, ёки аксинча, ўзбек тилидан рус тилига мазмунан тўғри таржима қила олишни ўргатишдан иборат. Бу талабага ўзбек тилидан ўз касби доирасида эркин ва мустақил фойдаланиш имконини беради.

Нофилологик олий таълим муассасаларида ўзбек тили таълимини мутахассисликка оид асар ёки илмий мақола таҳлили асосида макон ва замон, сабаб ва оқибат, мақсад ва натижа, шарт ва тўсиқсизлик маъноларининг ифодаланиши, фикрни далиллаш, асослаш, хулосалаш, ўзгалар фикрини айнан ёки ўзлаштириб ифодалаш, цитата ва эпиграфларни қўллаш, ҳаволалар бериш юзасидан амалий ишлар олиб бориш, монологик тарзда тақдимот ўтказиш каби иш турларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш республикамизнинг давлат тилида эркин фаолият олиб бора оладиган юқори малакали мутахассис кадрлар етказиш ишига самарали таъсир этган бўлар эди.

Ҳар икки йўналишдаги олий ўқув юртларида ҳам ўзбек тили машғулотларида илмий ва илмий-оммабоп услубда ёзилган матнлар таҳлилига кенг ўрин бериш, талabalарга илмий маъруза тайёрлатиш, илмий мақолаларни, илмий асарлардан парчаларни таржима қилдириш каби иш турлари билан амалий шуғуллантириб бориш зарур. Талabalарга айниқса илмий, публицистик ва расмий-идоравий услугни амалий ўргатиш, бунинг учун уларни ихтисосликлари бўйича матнларда фаол қўлланадиган нутқий қолиплар, уларнинг синтактик синонимик вариантлари билан таништириш, уларни матбуотдаги мақолалар, радио ва телеахборотларни тушуна олишга, улардан иш жараёнида фойдалана олишга, ўз фикрларини тенгдошлари, гурух, факультет ва янада кенгроқ доираларда эркин баён қила олишга, зарур ҳолларда интервью бера олишга, ўзбекча монологик нутқ сўзлай олишга ўргатиш зарур, деб ўйлаймиз. Шунингдек, олий таълим тизимида расмий услуг бўйича талabalарга бевосита мутахассислигига оид барча ички хужжатларни: хуқуқий, иқтисодий-тижорат ёки дипломатик хатларни ёзишни, расмий-идоравий мулокот этикетини ўргатиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилидан такомиллаштирилган ва халқаро даражаларга

мувофиқлаштирилиб, лойиха сифатида тақдим қилинган давлат таълим стандартларида ишчи гурӯҳи томонидан олий таълим бакалавриат босқичи бити्रувчилари учун С1 даража талаблари белгиланган бўлиб, ушбу талаблар бўйича бити्रувчи талаба:

- ўзбек тилида сўз ва ибораларнинг ўзаро синонимикасини;
- ўзбек тилида содда ва қўшма гаплар синонимикасини;
- матн, матн қисмларини боғловчи воситаларни;
- илмий нутқ услубига хос лисоний воситаларни;
- илмий-услубий ишлар турларини (ўқув дастури, қўлланма, дарслик, луғат ва рисола);
- илмий тадқиқот ишлари турларини (илмий мақола, тезис, аннотация, тақриз, БМИ, магистрлик диссертацияси);
- ихтисосликка оид ички ҳужжатларни билиши;

ёзиш амали бўйича ўзбек тилида:

- иншо, эссе, илмий коференция учун маъруза ва бошқа ёзма топшириқларни ёза олиш;
- илмий мақола ва тезисларни ёза олиш;
- бити्रув малакавий иши ва унинг резюмесини ёза олиш;
- маъмурий иш қофозлари, мутахассислигига оид хатлар ва ички ҳужжатларни (ҳисботлар, маълумотномалар, анкета-сўровномалар, таҳлиллар) ёза олиш ва электрон айланма ҳужжатлар билан ишлай олиш малакаларига эга бўлиши талаб этилади.

C2 даражада эса ўзбек тили ихтисослик йўналиши бўлган бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва барча соҳалардаги илмий-педагогик кадрлар малакаларига қўйиладиган қўйидаги талаблар белгиланган:

- илмий, публицистик услубларда мақолалар ёза олиш;
- ўз мутахассислик соҳасига оид илмий-услубий асарлар, мақолалар, маърузаларга тақризлар ёза олиш;
- барча турдаги маъмурий иш қофозлари, мутахассислигига оид ички ҳужжатларни ёза олиш;
- грант, лойиҳалар, БМИ ва диссертациялар учун асосномалар ва бажарилган ишлар бўйича ҳисботлар ёза олиш;

Ўз мутахассислик соҳасига оид ва соҳасидан ташқари турли ижтимоий мавзулардаги ўқув-услубий адабиётларга аннотациялар ёзиш.⁸

Бизнингча, ўзбек тилига компетенциявий ёндашувнинг жорий этилиши ва барча таълим босқичлари учун давлат таълим стандартларини халқаро

⁸ Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида бити्रувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (ложиха)

талаблар даражасига мувофиқлаштирган ҳолда тақомиллаштирилиши ҳамда сертификатлаштириш тизимининг йўлга қўйилиши таълим тизимиздаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат тили бўлган ўзбек тили таълими самарадорлигини ошириш, давлатимиз томонидан олдимизга қўйилган таълим босқичларини сифатли кадрлар билан таъминлаш, илмий-педагогик кадрлар салоҳиятни оширишдек масъулиятли вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга ёрдам беради.

Назорат саволлари:

1. Олий таълим босқичида ўзбек тилини ўқитища узлуксизликнинг таъминланиши ҳолати ҳақида маълумот беринг.
2. Олий таълимнинг қуи таълим босқичларидан фарқли хусусиятлари ҳақида тушунча беринг.
3. Филологик ва нофилологик ОТМларда ўзбек тили ўқитилишининг режалаштирилишида қандай муаммоли жиҳатлар бор?
4. Сизнингча, нофилологик ОТМларда ўзбек тилининг ўқитилиши ҳозирги кун талабларига жавоб берадими?
5. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари малакаларига қўйилган талаблар даражаси ҳақида фикрингизни билдиринг.
6. Илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлик даражаси қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

Таянч ибора ва тушунчалар (глоссарий)

Классификатор-олий таълим тизимида тайёрланадаган мутахассисликлар ва ихтисосликлар йўналишларининг тасдиқланган рўйхати

Намунавий дастур-фан бўйича таянч олий таълим муассасаси томонидан тавсия қилинадиган ва шу йўналишдаги ОТМлар ишчи ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари учун асос ҳисобланувчи ўқув дастури

Ишчи ўқув дастури- фан бўйича намунавий дастур асосида тузиладиган ва муайян олий таълим муассасасида амал қиласидаги ўқув дастури

Мутахассислик йўналишлари-олий таълим тизими бакалавриат босқичи бўйича тайёрланадиган мутахассислик йўналишлари

Ихтисослик соҳалари – олий таълим тизими магистратура босқичи бўйича тайёрланадиган ихтисослик соҳалари

Олий малакали илмий-педагогик кадрлар – олий таълимдан кейинги босқичларда тайёрланадиган юқори малакали

Компетентлик даражаси – эгаллаган билим, млакаларини амалий қўллаш салоҳияти кўрсаткичи

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. –Тошкент: Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.
2. Золотова Г. А. Некоторые вопросы синтаксической теории и обучение к русскому языку // Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. – Москва: Русский язык, 1995. –С. 35.
3. Рафиев А., Ҳамдамова М., Қахҳорова Ҳ. Ўзбек тили фанидан намунавий ўқув дастури. –Тошкент: ЎзМУ, 2004. –14 б.
4. Лафасов Ў. П., Исмоилов А. Қ., Мадвалиев А. П. Ўзбек тили (университетлар ва институтларнинг русийзабон гурух талабалари учун дастур). – Тошкент: ТДШИ, 2006. – 16 б.
5. Келдиёрова Г., Боймуҳамедова Л., Аблаева Н. Ўзбек тилидан ишчи ўқув дастури. –Тошкент: ТКТИ, 2006.
6. Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Досанов Н. Ўзбек тили. ОЎЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.
7. Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.–Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.
8. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиха)

4-мавзу. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда замонавий ёндашувлар

Режа:

1. Республикализни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар.

2. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва адабий таълим.

3. Ўқувчи ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар ҳақида.

Таянч тушунчалар: мустақиллик, маънавият, адабиёт ўқитиши методикаси, фан, санъат, ижтимоий зарурият.

“Бу дунёда фақат бир муаммо бор – одамларга ҳаётдан маънавий қониқиши ҳиссини қайтариши керак. Маънавий бойликсиз қалб тошга айланур... Комилликка йўналтирилган дидни тарбияламоқ лозим”

(Антуан де Сент Экзюпери)

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши ижтимоий-маънавий ҳаётда ниҳоятда жиддий янгиланишларни юзага келтирди. Жумладан, таълим тизими мутлақо янгича асосларда ривожлана бошлади. Таълим мазмуни ўзгарди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” бу янгиланишларнинг қонуний асослари вазифасини адо этди. Ижтимоийлик, синфийлик, партиявийлик сингари уйдирма асослар ўрнига бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларига, яшаш шаклига мос ва муносиб бўлган методология юзага келди.

Адабиёт ўқитишда ҳам жиддий янгиланишлар амалга ошмоқда. Эндилиқда миллий-маънавий фазилатларни, қадриятларни улуғлайдиган, инсон шаъну шавкатини эъзозлайдиган қадриятлар бош ўринга кўтарилди.

Бошлангич синфлардан бошлаб адабий ўқиш шаклида, 5-синфдан бошлаб эса адабиётнинг ўқув предмети сифатида ўқитилишида она тилимизнинг шукухини, қадру қимматини, кучу қудратини намойиш эта оладиган асарлар силсиласи таълим-тарбия жараёнларига жалб этилди. АЛ ва КҲҚда эса адабиётимизнинг энг қадимги даврларидан бошлаб бугунги кунигача бўлган оралиқдаги нодир дурдоналар тизимли тарзда ўрганилмоқда.

Адабиётни ўқитиши учун маҳсус фан керакми? Жамиятда шунга эҳтиёж борми? Таълим босқичларида адабиёт фанини яхши ўрганиш ва ўргатиш учун адабиёт муаллимлари қайгуриши керакми ёки адабиётшуносларми, педагогларми ёки рухшунос-психологларми? Албатта, бундай саволларнинг кети узилмайди. Улар кеча берилган эди, бугун ҳам берилмоқда, уларнинг эртага берилмай қолиши амри маҳол.

Адабиёт ўқитиши бошқа фанларни ўқитишдан анча кескин фарқ қиласи. Шунга кўра уни фан сифатида қарайдиганлар бир групхни ташкил этса, адабиёт ўқитишини санъат тури сифатида баҳолаб, адабиёт ўқитувчисининг ишини ҳам санъаткорона бир иш сифатида баҳолайдиганлар кам эмас. Демак, улар адабиёт ўқитиши методикасини ҳам санъат билан тенгглаштиришади. Амалиётчилик нуқтаи назаридан қарайдиганлар эса адабиёт ўқитиши методикасини дарсларнинг ўтилишига бевосита ёрдам берадиган, ҳар бир

дарснинг яхши ва самарали бўлишига амалий кўмак бера оладиган соҳа деб билишади.

Адабиёт ўқитиши методикаси биринчи навбатда адабиёт ўқитиши-нинг, яъни адабий таълимнинг мақсади ва мазмуни ҳақидаги фандир. Маълумки, адабиёт таълимнинг турли босқичларида худди бошқа предметлар каби ўсиб келаётган авлод – ўқувчиларга мўлжалланган. Таълим жараёнидаги барча фанларнинг асосий мақсади ва моҳияти ўқувчиларда – ўсиб келаётган ёш авлодда муайян соҳаларга оид билимларнинг асосларини шакллантириш, шуларнинг негизида уларнинг бой маънавий оламини яратишдан иборатdir. Бу вазифани амалга оширишда бадиий адабиёт билан teng келадиган бирорта соҳа йўқ деб айта оламиз. Бадиий адабиёт алоҳида шахсга ҳам, бутун жамиятга ҳам кучли даражада таъсир кўрсата олиш имконига эга. У жамиятнинг ўз-ўзини англашида, уни инсонпарварлаштиришда беқиёс имконларга эга. Адабиёт ижтимоий онгнинг кўринишларидан бири сифатида ўзида халқ хотирасини мужассамлаштиради, унинг ахлоқий-маънавий қадриятларини асрлардан асрларга, аждодлардан авлодларга олиб ўтади.

Шунга қарамай, бадиий адабиётга бўлган муносабатларнинг ҳам ниҳоятда хилма-хиллигини, уларнинг орасида “бевосита нақд фойда”ни кўзлаб ўқиши тамойилларининг ҳам мавжудлигини эътироф этишга тўғри келади. Буни адабиётшунос Д.Куронов шундай ифодалаган:

“Хозирги кунда, таассуфки, бадиий асарга ноижодий ёндашиш ўқувчи омманинг аксариятига хос бўлиб қолаётir. Кўпчилигимиз бадиий асарни маънавий-рухий имкониятларимизни кенгайтириш эҳтиёжи билан эмас, кўпроқ ҳордиқ чиқариш нияти билан ўқийдиган бўлиб қоляпмиз. Дўконларимизда ялтироқ муқовали, олди-қочди гапларга тўла китоблар салмоғининг ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Тоталитар ёндашув натижасида кўпчилик асардан воқеа қидиради, бу тоифа учун “Ўткан кунлар” Отабегу Кумушнинг саргузаштларидан бошқа нарса эмас, “Қутлуғ қон” – Йўлчи билан Гулнор севгиси-ю бир абллаҳ бойнинг тўғаноқ бўлиши, холос...– хуллас, биз **воситани мақсад** деб тушунадиган бўлиб қоляпмиз”¹.

Демак, биз бадиий адабиётни ўрганиш йўлларини ҳам билишимиз зарур бўлади. Шундай экан, бу фан ўқувчи-ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари, бу ўзига хосликларнинг адабий таълим билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритади. Адабиёт ўқитиши методикаси фани ўз номига муносиб равишда ўқувчиларга бадиий адабиёт билан яқинлашиш, ошно бўлиш ва уларни таҳлил қилиш йўлларини кўрсатишга йўналтирилган. Айни пайтда у китоб устида ишлашни, бадиий ўқишини ташкил этишни, ўқувчиларнинг адабиётга бўлган қизиқишларининг шаклланиш ва ривожланиш йўлларини кўрсатиши билан ҳам эътиборлидир. Айни шу фан адабиёт дарсларини ташкил қилиш, бу дарсларда қўлланадиган метод ва усуллар, ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида тасаввур уйғотади, шу ҳақдаги билимлар тизимини

¹ Куронов Д. “Адабиёт надур?” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Адабий-танқидий мақолалар. 39-бет.

тақдим этади. Мана шулар замирида эса ўқувчиларга жамоавий, гурух-гурух ёки индивидуал ёндашишнинг йўл-йўрикларини беради.

Хитой мақолларининг бирида шундай дейилади: “Инсоннинг қўлига бир дона балиқ бер – у бир кун тўқ бўлади, унга балиқ тутишни ўргат – у бутун умри давомида тўқ юради”¹. Демак, бир иш қилиш учун шу ишни қандай қилиб яхшироқ ва натижалироқ тарзда амалга ошириш мумкин деган саволга жавоб излаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг ҳолатимизда бу саволга адабиёт ўқитиш методикаси фани жавоб беради.

Назорат саволлари

1. Экзюперининг мулоҳазаларини яна бир марта ўқинг. Уни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?
2. Д.Қуроновнинг фикрларига қандай қарайсиз? Ўз нуқтаи назарингизни асослашга ҳаракат қилинг.
3. Адабиёт ўқитишнинг қандай мақсад ва вазифалари мавжуд?
4. Адабиёт ўқитиш методикасининг-чи?
5. Бадиий адабиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида нималарни айта оласиз?
6. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бадиий адабиётга оид кузатишлар ҳақида нималарни айта оласиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.– 176 б.
2. Замонавий дарс. / Масъул мухаррир Ш. Шомансуров – Т.: А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. – 120 бет.
3. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 46-66-бетлар.
4. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзаллиги. – Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. – 14 б.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.– Т.: Фан, 2007.
6. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Т.: Ўқитувчи, 1996.
7. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. –Т.: O‘zbekiston, 2006.
8. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари.–Т.: Фан, 2006.
9. Сайидаҳмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.

¹ Айзерман Л. Пятьдесят лет спустя. Статья первая. – // Литература в школе, 2006, № 6, с.25 (25-28).

10. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Bayoz, 2010.
11. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: 1994.
12. Қахрамонов Қ. Адабий танқид янгиланиш жараёнлари. – Т.: 2010.
13. Қуронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004.
14. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004.
15. Ҳаққул Иброҳим. Ким нимага таянади? Адабий сұхбатлар. – Т.: Зарқалам, 2006.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. www.tdpu.uz.

5-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёт ўқитишининг долзарб масалалари Режса:

1. Ўзбек филологияси ва уни ўқитишининг бугунги ҳолати.
2. Ечимини кутаётган муаммолар.
3. Тил ва адабиёт таълимига оид янги адабиётлар таҳлили.

Таянч тушунчалар: анъанавий ва ноанъанавий дарслар, билим, кўникма, малака, компетенция, шахснинг интеллектуал ҳамда маънавий камолоти.

Таълим-тарбия жараёнида дарснинг ўрни ва аҳамияти мутлақо бошқача. Ҳар ҳолда қадимги дидактика мутахассислари бир соатлик дарсни яхши бир асар дейишгани бежиз эмас. Ўқувчи учун у янги билим ва маълумотлар олишнинг энг асосий ва битмас-туганмас қайнар булоғидир. Дарс фақат билим олишнинг манбаигина эмас. Айни мана шу педагогик жараён давомида ўқувчи билим олишга оид кўникма ва малакалар тизимиға эга бўлиб боради. Ўзининг дунёқарашини кенгайтиради. Шу жараёнда унинг ўзини ва ўзлигини кўрсатиш учун муҳим ижтимоий-педагогик шароит ҳозирланади. Демак, у шахс сифатида шакллана бошлайди. Ушбу ҳолатлар ўқитувчи зиммасига жуда катта бурч ва масъулиятни юклайди. У келажакда шу жамиятнинг барча талабларига мос ва муносиб бўлиб ўсиши керак бўлган ёш авлод тақдирида энг муҳим ролни адо этади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини қайта қуриш, такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни узлуксиз ва мунтазам тарзда давом этмоқда. Буларнинг орасида дарс ва уни ташкил этиш, унинг самарадорлик даражасини ошириш, дарсни ўқувчи учун энг қизиқарли, фойдали ҳамда ўзлигини намоён этадиган энг муҳим воситалардан бирига айлантириш сингари масалалар мавжуд.

Бунга қандай эришилади? Унинг сиру асрорлари нималардан иборат?

Бунинг биринчи ва энг асосий шарти ўқитувчи шахси билан боғлиқ. Токи ўқитувчи ҳар доимгидек моҳир ташкилотчи, билимдон етакчи, меҳрибон устоз, билимларни ўз вақтида тегишли шаклда етказиб берувчи асосий манба, шакл ва усувлар тизимининг эгалланишига мос ва муносиб йўлни кўрсатиб берувчи йўлбошчи, ўқувчининг асосий таянчи ва маслаҳатгўйи бўлмас экан таълим-тарбия жараёнига оид муваффақият ва ютуқлар ҳақида гапириш ортиқча бўлади. Халқимизда бир мақолнинг икки хил шакли оммалашган. Улардан бирида “Устоз – отангдан улуф”, бошқасида “Устоз – отангдек улуф” дейилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос талқинга эга.

Кўпинча ўқитувчини артистга ўхшатишиади. Бу тўғри гап. Аммо ўқитувчи артистга ўхшайди дегани унинг артист бўлиши керак дегани эмас. Машҳур кашфиётчи ўқитувчи Ильин шундай дейди: “Артистларга ўхшашдан чўчиманг. Биз ўзимизни намойиш этмаймиз. Биз ўзимизни бағишлаймиз. Дарс деган ижтимоийлик, оммавийлик, ошкоралик ва инсонийлик сабоқларидир”.

Бугун таълим муассасалари олдидағи асосий вазифа баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Баркамол авлод қирраларининг асосийлари эса глобаллашув жараёнидаги ижтимоий-маънавий мұхитда әркін ҳаракатлана олиш, рақобатбардошлиқ мұхитида ўзини йўқотмаслик, аксинча, жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини топа билиш, маънавий жиҳатдан юксак мақомни әгаллаш, шу йўл билан ўзлигини кўрсатиш ва жамиятга тегишли тарзда наф келтиришдан иборатдир.

Бола шахсининг шаклланишида дарс асосий ўрин тутар экан, демак, мана шу дарс жараёнини интенсивлаштириш ҳам асосий ўрин тутади. Бу нима дегани? Бунинг оддий ва соддагина талқини шундан иборатки, дарс ўқувчиларни фикрлайдиган, чукур мушоҳада қиласидиган, ўқув жараёнига нисбатан қизиқишиларини оширадиган, улардаги мустақил ва ижодий ишлаш руҳини шакллантирадиган жараёнга айланиши лозим.

Бунинг учун эса дарснинг барча таркибий қисмлари орасидаги алоқадорлик кучайтирилиши, хусусан, унинг шакл ва методларидан бошлаб ташкилий шакллари, унинг ўқувчи шахсини фаоллаштиришга йўналтирадиган жиҳатларигача эътиборда тутилиши керак. Билимларни тайёр ҳолда бериш тамойили ўрнига ўқувчининг ўзи мана шу билимларни әгаллашга интиладиган шароитни яратиш, самара берадиган янгиликлар тизимини муносиб тарзда шакллантириш бу йўлдаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Дарс: унинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари

Ҳозирги таълим-тарбия жараёнидаги энг асосий шакл дарсдир. У анъана тарзида бугун ҳам ўз нуфузини пасайтиргани йўқ. Фақат унинг мазмунода жиддий янгиланишлар бўлаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Маълумки, дарсга қўйиладиган умумдидактиқ ҳамда ҳар бир фаннинг ўз хусусиятларидан келиб чиқадиган талаблари мавжуд. Уларни умумпедагогик, методик, психологик, адабий ва лисоний талаблар тарзида гурухлаштириш мумкин. Замонавий она тили ва адабиёт дарсларининг шакл, кўринишлари ҳам ниҳоятда хилма-хиллашиб бораётгани объектив жараён сифатида эътироф этилади. Мана шу холатнинг ўзиёқ уларга тайёргарлик кўришнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари назарда тутади.

Ҳозирги замон она тили ва адабиёт дарсларини тасниф қилишда уларда қўлланаётган методлар, шакллар, адабий таълимнинг мазмуни, ёзувчи таржимаи ҳоли ёки адабий асарни ўрганиш жараёни, алоҳида мавзуларнинг ўзига хосликлари эътиборга олинади.

Замонавий янги шакл ва усуллар, дарс типлари осмондан тушгани йўқ. Уларнинг асосий қисми анъанавий дарс шаклларининг замонавийлаштирилиши, уларга янгилик элементларининг кўпроқ киритилиши, энг мұхими эса уларнинг мақсадга мувофиқ тарздаги янгиланишлари билан алоқадор. Илгари ҳам дарсларга, уларнинг таркибий қисмларига айрим ўзгариш ва қўшимчаларни киритишга, уларнинг мазмунини бойитишга бўлган уринишлар бўлган эди. Буни инкор этиш ўринли бўлмайди. Шунга қарамай, бу уринишларнинг мунтазам бўлмаганини, кўпроқ тасодифийликка ассланганилигини, муайян тизим

шаклига киритилмаганини, мақсад ва вазифалар билан янгилик мазмунининг йиғунашмаганини ҳам эътироф этишга түғри келади.

Анъанавий дарсларнинг ҳам, ноанъанавий дарсларнинг ҳам асл ўзагини, туб моҳиятини унинг мақсади ташкил этади. Мақсаднинг дарс типига, шаклига, таркибий қисмлари орасидаги боғланишларнинг зичлиги ва мустаҳкамлигига мос ва муносиблиги унинг самарадорлигига кафолат беради, аксинча ҳолатларда эса бундай самарадорликка қўз тутиш эртақдан бошқа нарса бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда дарс самарадорлигининг асосий омили ўкувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш билим моҳияти ва уни эгаллашга қаратилган шакл ва усуллар бирлигидан иборат бўлиши керак. Шундагина қўйилган мақсаднинг аниқ натижаси ҳақида гапириш мумкин бўлади. Тасаввуримизнинг ойдинлашиши учун айрим мисолларни келтириш жоиз кўринади:

Таълим шакллари

Мақсад – таълим шаклларининг асоси	Анъанавий таълим шакллари	Ноанъанавий таълим шакллари
Ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш	Дарслик материаллари билан танишиш	Оғзаки журнал. Дарс-экскурсия
Умумлаштирувчи ва монографик мавзуларни ўрганиш	Кириш машғулотлари. Янги мавзуларни ўрганиш дарслари	Дарс-маъзуза. Конференция машғулотлари
Адабий-танқидий мақолаларни ўрганиш	Кириш машғулотлари. Янги материалларни ўрганиш дарслари	Тадқиқот дарслари, оғзаки журнал дарслари. Конференция дарслари
Бадиий асар таҳлили	Таҳлилнинг турли типларини назарда тутувчи дарсларнинг умумдидактик типлари	Дидактик ўйинлар. Саёҳат дарслари. Гуруҳ билан ишлашга мўлжал-ланган дарс шакли. Мусобақа дарслари
Адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш	Таҳлилнинг турли типларини назарда тутувчи дарсларнинг умумдидактик типлари	Дидактик ўйинлар. Саёҳат дарслари. Гуруҳ билан ишлашга мўлжал-ланган дарс шакли. Мусобақа дарслари
Нутқ ўстириш дарслари. Ўкувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетентлигини назорат қилиш	Нутқ ўстириш дарслари. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш дарслари	Синов дарслари. Семинар дарслари. Ижодий сархисоб дарслари

Ноанъанавий дарс типи ўқитувчи ижодкорлиги натижасида юзага келади. У ўқитувчидан мунтазам изланиш ва кашфиётлар қилишни талаб

этади. Албатта, она тили ва адабиёт дарслари бунинг учун кенг имкониятлар беради. Ҳар битта янги бадиий асарнинг ўзи янги бир оламдир. Юксак бадиият билан зийнатланган асар эса мутлақо яхши оламдир. Аммо уларни таҳлил қилиш осон кечмайди.

Бадиий асар таҳлили фақат асарнинг тузилиши, унинг мазмуни ва шаклий хусусиятларини ўрганишдангина иборат эмас. У ўкувчи ва талабаларнинг ҳаётий нуқтаи назарлари, ишонч ва эътиқодларининг шаклланиши, улардаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, инсоннинг мунтазам камолоти сингари юксак туйғуларнинг тарбияланиши учун ҳам муҳим восита вазифасини адо этиши керак. Демак, тўғри ташкил этилган она тили ва адабиёт дарслари уларнинг маънавий оламига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши керак.

Янги педагогик технологияларнинг, ноанъанавий дарсларнинг устунлиги шундаки, ўқитувчи турли шакл ва усуллар, методларни танлашда мутлақо эркиндир. Муҳими, у танлаган йўл ва усуллар тегишли педагогик самарадорликни таъминласин. Аммо бу ноанъанавий дарсларда ҳеч қандай чегара ва талабаларнинг мавжуд эмаслигини англатмайди. Бунда ҳам қатъий педагогик талаблар мавжуд. Буларнинг энг муҳимлари:

1. Мавзуу, уни ёритишдаги дидактик, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларнинг, машғулот типи ва таркибининг аниқлиги.
2. Мазкур машғулотнинг бошқа машғулотлар орасида тутган мавқеини, унинг олдинги мавзулар билан алоқадорлигини қатъий белгилаб олиш.
3. Мавзуни ёритиш учун хизмат қиласиган асосий ва қўшимча материаллар мазмуни, ҳажми ҳамда кўринишларини аниқ белгилаш.
4. Таълим жараёнида нисбатан самарадорлик юқори бўлган шакл ва методлар тизимини аниқлаш, ўқув фаoliyatinинг ранг-баранглигига имкон берадиган материалларни саралаш, улардан унумли фойдаланиш усулларини муайянлаштириш.
5. Тингловчи(ўкувчи, талаба)лар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашга имкон берадиган шакл ва усуллар устида ўйлаб кўриш.
6. Уларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш шаклларини ишлаб чиқиш.

Назорат саволлари

1. “Бир соатлик дарс – янги бир асар” деган мулоҳаза нечоғли ўринли? Уни Сиз қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?
2. Ноанъанавий дарслар учун қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат деб ўйлайсиз?
3. Мавзуни ёритиш учун хизмат қиласиган асосий ва қўшимча материаллар мазмуни, ҳажми ва кўринишларини ким белгилайди? Улар қандай ажратилиди?
4. “Тингловчи(ўкувчи, талаба)лар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашга имкон берадиган шакл ва усуллар” деганда нималар назарда

тутилади? Уларнинг ёнига яна нималарни қўшиш мумкин?

Адабиётлар рўйхати

1. Замонавий дарс. / Масъул мухаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. – 120 бет.
2. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзалиги. – Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. – 14 б.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент, Фан, 2007.
4. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Т.:Фан, 2006.
6. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Янги аср авлоди, Т.: 2006.
7. Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. – Тошкент, Шарқ, 2004.

II. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziynet.uz
2. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
3. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
4. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
5. www.tdpu.uz.

6-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёт ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик Режса:

1. Мактаб таълими. Ундаги асосий мавзуу ва материаллар танлови ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал-ақлий ривожланиш имкониятлари.
2. АЛ ва КХҚда адабий таълим хуссуиятлари. Олий таълимдаги филологик таълим.
3. Қўшимча адабиётлар билан ишлаш методикаси.
4. Олий таълим тизимида ўзбек тили ва адабиёти соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.

Таянч тушунчалар: таълим тизими, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар таълими ҳамда олий таълимдаги адабий таълим хуссуиятлари, ДТС, билим, кўникма, малака, компетенция.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов айтганлариdek: “Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғуллаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”¹.

Бунинг исботи сифатида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонунларни эслаш мумкин. Таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари мана шу Қонун талабларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётганлиги барчага яхши мълум. Бу борада бирмунча ютуқлар қўлга киритилганлиги, дастлабки босқич талабларининг деярли тўла бажарилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Адабий таълим курсининг мазмуни ва тузилиши ДТС ва давлат дастури билан белгиланади. ДТС асосида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим ҳажми, кўникма ва малакаларнинг турлари, компетентлик даражаси, методологик ҳамда педагогик принциплар, ўқитишдаги ўзига хос методология ҳамда адабий-эстетик талаблар ихчам тарзда баён этилади.

Ўзбекистонда мактаб дастурларининг кўпгина турларига амал қилинди, зеро изланиш янги, мукаммал тизимни ифодалайдиган даражага этиш учун ҳаракат узлуксиз давом этиб келмоқда. Фақат Ўзбекистон мустақиллиги билан боғлиқ ҳолдагина адабиёт дастурининг бир неча авлоди яратилди. Таълим тизимидағи ўзгаришлар давлат таълим стандартларининг яратилиши, янги ўқув режаларининг ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-маънавий ҳаётдаги янгиланишлар дастурларни ҳам қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда.

1991 йилдан буён мактаб адабий дастурлари жиддий такомил йўлини босиб ўтди. Бу йўлда, айниқса, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим

¹ Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойdevori. Президент Ислом Каримовнинг IX сессияда сўзлаган нутки. 1997 йил 29 август. Тошкент. Шарқ. 1997. 5-бет.

тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” алоҳида босқич бўлди.

Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари бадиий асарларни танлаш тамойилларини ҳам белгилаб беради. Таниқли методист М.В.Черкезова таъкидлаганидай “Миллий мактабларда асарларни ва уларни ўрганиш методикасини танлаш учун илмий адабиётшунослик мезонлари, адабий факт ва ҳодисаларга нисбатан тарихий-генетик, тарихий-функционал ва қиёсий-типовологик ёндашувлар бирлиги асос бўлиб хизмат қиласди”¹.

Дастур энг муҳим давлат ҳужжати бўлиб, уни бажариш мажбурийдир. Ўқитувчининг асосий вазифаси давлат дастури талабларини тўла ва самарали тарзда амалга оширишдан иборат. Шунга кўра ҳам ўқитувчи уни тўла билиши, унинг барча қисмлари ҳакида аниқ тасаввур ва маълумотга эга бўлиши шарт.

Дастур ўқитувчининг иш фаолиятидаги энг асосий манбадир. Унда амалий ҳаракатга қўрсатма ҳам, энг муҳим маълумотнома ҳам мужассамлашган. Ҳозиргача дастурлар умумий ўрта таълим мактабларининг барча бўғинларини (I–X ёки V–XI синфлар) қамраб оларди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун таълим тизимига бир қатор янгиликларни олиб кирди. Унга кўра энди умумий ўрта таълим I –IX синфларни қамрайди. Бундан кейин эса ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошланади. Демак, дастурлар ҳам шундан келиб чиққан ҳолда бошқа-бошқа бўлади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамкорликда ягона давлат таълим стандартининг лойиҳаси устидаги ишларни олиб боришмоқда.

Умуман, дастурда адабиёт курси тўлалигича тавсифлаб борилади. Ҳар бир синфдан адабиёт курсининг мазмуни ва иш тартиби, ҳар бир мавзунииг моҳияти муайянлаштирилади. Унда ўзлаштирилиши лозим бўлган илмий-назарий, адабий тушунчалар, асарни ўрганиш, нутқ ўстириш, синфдан ташқари ўқитищ, асарлар юзасидан сухбат учун ажратиладиган соатлар микдори, адабиётдан ўтказилиши кўзда тутилган оғзаки ва ёзма иш турлари, предметлараро алоқа, синфдан ташқари ўқишидаги асарлар рўйхати берилади.

Давлат дастурини бажариш асосида ўқитувчи ўқувчилардаги адабиёт ва санъатга бўлган муҳаббат, ижодкорлик, ижодий фаоллик, юксак ахлоқий анъаналарни такомиллаштириш ва ўстиришга асосий эътибор бермоғи лозим.

Маълумки, адабиёт мустақил фан сифатида бошланғич таълим тугаганидан сўнг V синфдан бошлаб ўтила бошлайди. Бу даврда ўқувчи адабиёт ва ифодали ўқиши малакасининг дастлабки босқичини эгаллаган, сўз санъати ҳақидаги дастлабки тасаввурга эга бўлган бўлади.

Албатта, бола мактабгача бўлган ёшдаёқ сўз санъати ичиди бўлади. “Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишига тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини қўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим

¹ Черкезова М.В. В поисках новых подходов к созданию учебников по литературе. На материале учебников по русской литературе для национальной школы. - // Литература в школе, 2006, № 5, с.23 (23-27).

муассасаларида олиб борилади”¹. Худди шу даврда у асосан тингловчи, баъзан ўқувчи шаклида дастлабки одимларини ташлайди. Демак, ўқувчи V синфга келганда ўқиши, ёзиши, китобхонлик маданиятига оид дастлабки тайёргарлик билан келади. Улар бадиий асар билан танишишнинг ибтидоий кўникмаларига эга бўлишади. Жумладан, IV синф ўқувчилари матнни ифодали ўқий олиш, асарда иштирок этувчи шахслар ҳақида ҳикоя қилиб бериш учун материал тўплаш, уларнинг хатти-харакатларини баҳолаш, уларга нисбатан ўз муносабатини ифодалай олиш, адабий қаҳрамон ҳақида ихчам ҳикоя тузиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши лозим. V синф ўқувчиси ҳам бадиий асар хусусиятларини тўла ўзлаштиришга тайёр бўлмайди. Шунга кўра М.Г.Качурин таъкидлаганидай: “Бу даврда асарда “нима ҳакида” ёзилгани нуқтаи назаридан ёндашишларини ҳисобга олиш керак”².

Бошланғич синфларда кўпроқ ҳалқ оғзаки ижодига тегишли поэтик жанрлар: эртақ, мақол, топишмоқлардан фойдаланилади. Мавзу доирасига кўра эса уларда меҳнат, баҳт, Ватан, оила, йил фасллари, атрофимиздага олам, инсон маънавиятидаги эзгу ва ёвуз хусусиятлар, илмий-оммабоп мақолалар тарзида ёритилган. Демак, бошланғич синфларда ёк ўқувчининг бадиий-эстетик диidi ҳамда китобхонлик маданияти шаклланиши учун имкон қидирилган. Энди V синфдан бошлабоқ уларнинг ўқиши ва нутқ кўникмаларига таяниб туриб, асарни бадиий ҳис этиш, эстетик ҳистойгуларини ўстиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

V синф дастурида турли жанрлардаги асарлар билан танишиш тақозо этилади. Улар орасида қўшиқ, мақол, топишмоқ афсона, эртақ, латифа, достон, ҳикоя, рубоий, масал, қисса, роман каби хилма-хил жанрлар мавжуд. Бугина эмас, дастурда турли адабий-назарий тушунчалар ҳамда ёзувчи, шоирлар, уларнинг асарлари ҳақида ҳам маълумот бериш кўзда тутилган, аммо тарихий-адабий изчиллик том маъноси билан V–VII синф адабиёт дастурлари талаблари сирасига кирмайди, зоро, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳам бунга имкон бермайди. Бу вазифалар VIII–IX синфларда амалга оширилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида эса йўналиш турига қараб адабиёт ўқитишининг ўзига хос мақсад ва вазифалари белгиланади.

Адабий таълимни тўла амалга оширишда дарслик муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимидағи янгиланишлар дарсликлар мазмуни ва тузилишини ҳам тубдан янгилашни тақозо этмоқда.

Дарслик ўқувчилар билимининг изчил ўсишига, илмий асосга таянишига имкон бериши болаларнинг ёшини ҳисобга олиш, мавзуларнинг мантиқий алоқадорлигига эътибор бериши лозим. Унда миллий ва

¹Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 11-модда.

²Методика преподавания литературы. М.: Просвещение, 1985, с. 57.

умуминсоний қадриятлар тарғиб қилиниши, ўқувчилардаги юксак ахлоқий ва эстетик диднинг шаклланиши ва тарбияланишига хизмат қилмоғи лозим.

Очиқ айтиш лозимки, ўқув қўлланмаларни яратиш замон талабларидан орқада қолмоқда. Бугун янги педагогик технологияни жорий этиш, жаҳондаги илғор ўқитиши усулларини тарғиб қилиш ва ҳаётга жорий этишга жиддий зарурат сезилмоқда.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражасини белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат худудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарслеклар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий хужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёрлашни ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат хужжатидир. Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмдаги микдорини ифодалайди. У ҳар бир синфда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиёт фанидан биринчи марта давлат таълим стандарти яратилди¹. Унинг янги авлоди иш тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда тузилмоқда.

Шу асосда ўқув режалари, фан дастурлари тузилди. Бугунги кунда уларга муносиб равишдаги дарслекларга ҳам эгамиз. Бироқ тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, уларда ҳам айrim камчиликлар, нотугалликлар мавжуд. Мустақилликдан олдин ҳамда мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган айrim дарслек ва ўқув қўлланмаларини назарда тутган ҳолда уларнинг тили “оғир ва ғализ”² дейилган эди.

Дарслек ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўйича харакатлар давом этиб келмоқда, ўқув адабиётлари танлови ўтказилмоқда. 2004 йилда 5-синф учун, 2005-йилда 6-, 7-синфлар учун танлов ўтказилди, 2006 йилда 8-, 9-синфлар учун дарслеклар яратилди. Бу дарслекларнинг афзал томони ўқитувчи учун методик қўлланма ҳам биргаликда яратилишида ва уларнинг амалиётда яхши натижага эришишида деб биламиз.

¹Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти ахборотномаси. Тошкент, Шарқ, 1999, 1-максус сон.

²Сафо Матжон. Китоб ўқишини биласизми? 11-бет.

Дарсликларда айрим рукилар бўлиши мумкин. Масалан, 5-синфда “Хикмат дурдоналари”, “Эртакларнинг сехрли олами”, “Мумтоз адабиётга саёҳат”, “Болаликнинг беғубор олами”, “Ватан-ни севмоқ иймондандир”¹, 7-синфда “Халқ оғзаки ижодидан”, “Ўзбек адабиёти тарихидан”, “XX аср ўзбек адабиётидан”, “Жаҳон адабиётидан” рукилари мавжуд бўлса, 11-синф Адабиёт дарслигига маърифатчилик адабиёти, жадид адабиёти, шўро даври адабиёти, мустақиллик даври ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти сингари рукилар мавжуд².

Умумтаълим мактабларидан сўнг уч йиллик академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларидаги таълим жорий қилинди. Бу ёшларнинг фан асосларини жиддийроқ ва пухтароқ эгаллашлари учун муҳим омилдир. Айниқса, академик лицейлар бу борада алоҳида аҳамият касб этади. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да бу борада шундай дейилади: “Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чукур соҳалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди”.

Академик лицейда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология) саводларини ошириш ҳамда фанни чукур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар қўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу қўникмаларни муайян олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттириш асосида ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Академик лицейлар учун тузилган “Адабиёт” дастурида³ таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида аҳамият берилган.

Дастурда бадиий асарни таҳлил этишга мавжуд мафкуравий андозалар билан ёндашишга барҳам берилиб, адабий асарга соф бадиий-эстетик ҳодиса сифатида қаралган ҳамда таҳлил жараёнидаги асосий мезон сифатида ана шу ҳолатга таянилган.

Шу дастур асосида профессор Б.Тўхлиевнинг академик лицейларнинг I босқичи учун “Адабиёт” дарслиги яратилди ва муносиб баҳоланди. АЛнинг II ва III босқичи учун “Адабиёт” дарслигининг ҳанузгача йўқлиги эса ачинарли ҳол.

Касб-хунар коллежлари учун “Она тили ва адабиёт” дарслиги⁴ А.Рафиев ва Н.Ғуломовалар томонидан яратилди. Бу дарслик ҳам кенг ўқувчилар оммасига илк марта тавсия қилинган дарсликлар сирасига киради.

¹N.Karimov, U.Normatov. Adabiyot, 5-sinf uchun darslik-majmua. –T.: O‘qituvchi, 2000, 352 bet.

²N.Karimov., B.Nazarov, U.Normatov, Q.Yo‘ldoshev. Adabiyot: umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik.– T.: O‘qituvchi, 2004. –384 bet.

³ Тўхлиев Б., Саримсоков Б. “Адабиёт” Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тошкент, 2000.

⁴ Рафиев А., Ғуломова Н. “Она тили ва адабиёт”, Тошкент, 2002.

Бизнинг олдимизда турган катта муаммолардан бири методист олимларга тегишилдири. Улар бугунги замон талабларига мос келадиган ўқув-методик адабиётларни яратиб бериш борасида Республикализ таълим муассасалари олдида, кўп сонли ўқитувчи ва талабалар олдида қарздор бўлиб туришибди. Бугун филологик таълимнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда, янги педагогик технологияларни таълим соҳаларига тезроқ татбиқ қилиш соҳасида улар ўз сўзларини айтишлари керак.

Дарсликлар одатда муайян таълим босқичларига мўлжалланган бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларида уларнинг синфлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида эса уларнинг босқичлари кўрсатилади. Баъзан уларнинг ноаниқ белгиланиши ҳам учраб туради. Жумладан, 2001 йилда яратилган “Ўзбек тили” дарсликларидан бири “олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг рус гурухлари учун” деб мўлжалланган. Мантиқан, академик лицей, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртида айни бир материални тақрорлаб ўтиш зарурати йўқлигини исботлаш шарт эмас.

Назорат саволлари

1. Адабиёт ўқитишда адабиёт дастури қандай роль ўйнайди?
2. Адабиёт дастурининг таркиби ва мазмуни қандай белгиланади?
3. Адабиёт дастури ва дарсликларига қандай талаблар қўйилади?
4. Мактабда адабиёт ўқитиш тарихида қандай дастурлар тузилган?

Адабиётлар рўйхати

1. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг IX сессияда сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. Т.: Шарқ, 1997, 5-бет.
2. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А.Авлоний номидаги ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. – 120 бет.
3. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 46–66-бетлар. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзаллиги. –Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. – 14 б.
4. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, Ўқитувчи, 1999.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент, Фан, 2007.
6. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
7. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари.–Тошкент, Ўзбекистон, 2006.
8. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Тошкент, Фан, 2006.

9. Сайдаҳмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
10. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Янги аср авлоди, 2006.
11. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. –Т.: 1994.
12. Қаюмов А. “Садди Искандарий” достонининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, –Тошкент, Фан, 2001. 84–103-бетлар.
13. Қаҳрамонов К. Адабий танқид янгиланиш жараёнлари. –Т.: 2010.
14. Қуронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Тошкент, Шарқ, 2004.
15. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.:Шарқ, 2004.
16. Ҳаққул Иброҳим. Ким нимага таянади? Адабий сұхбатлар. – Тошкент, Зарқалам, 2006.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали: www.gov.uz

2. www.ziyonet.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

4. www.edu.uz

5. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz

6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>

9. www.tdpu.uz.

7-мавзу. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойихалаштириш

Режа:

1. Лойиха технологияси.
2. Ўзбек тили ва адабиёти ўкув фанларининг мазмунини лойихалаштириш.

Таянч тушунчалар: инновацион технологиялар, лойиха технологияси, адаптация, режа.

Ўқитувчи, жумладан, адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаси ўкувчига ёзувчи кўзда тутган бадиий олам эшикларини очиб кўрсатишдан иборат. Бадиий олам дейилган қутлуғ қасрнинг муборак ва муқаддас остонасига олиб келинган ўкувчи бу қасрнинг чексиз осмонидаги рангин юлдузлардан ҳайрат туйғуларини юқтириши, улардан олам ва одам сирларини ўрганишнинг сехрли калитларини топиши даркор.

Маълумки, бадиий асарлар, айниқса, ҳажман катта бўлган йирик жанрлар, бир қатор мавзуларни бирлаштириб туради. Иззат Султон уни “мазмундаги салмоқдорлик”¹ деб атаган эди. Уларнинг орасида етакчи ва бош мавзуларнинг бўлиши ҳам табиий. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”и мавзуларга бойлиги билан эътирофга лойиқ. Унда адиб “ўзбек халқининг XX аср бошларидағи ҳаётини бадиий гавдалантиришни мақсад қилиб қўйган”, “Туркистоннинг тарихий тақдирини”, “XX аср бошларида, яъни капиталистик муносабатлар эндиғина шакллана бошлаган шароитда майдонга кела бошлаган буржуача ишбилармон корчалон одамлар тоифасига мансуб”² кишиларни кўрсатган. Табиийки, унда ижтимоий зулм, севги ва муҳаббат, ота ва бола муносабати, ижтимоий гурухлар орасидаги муносабатлар, миллий ва маънавий қадриятлар ҳақида ҳам баҳс юритилган.

Бироқ асардаги проблематика ҳамма вақт ҳам таҳлилда етакчи унсур бўлмаслиги мумкин. Бу дегани асосий муаммо ўқувчилар эътиборидан четда қолади, дегани эмас. Таҳлил учун асарнинг қайси бир унсури жалб этилмасин, ундан қўзланган мақсад битта бўлади. Бу ҳам бўлса, муаллиф кўзда тутган асосий масалага эътибор беришдир. Мактаб дастурларида бу тўғридан-тўғри таҳлил обьекти сифатида белгиланган ҳам. IX синф “Адабиёт дастури”да айрим романларга берилган тавсифларни кузатиш мумкин:

Унда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”и – фалсафий, таълимий-ахлоқий достон. Дунёни тасаввуфий идрок этиш. Исломий ахлоқ тарбияси: иймон, илм, адаб, саховат, ростгўйлик, халққа наф етказиш... нуқтаи назаридан кўрилса, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи “XX аср миллат маънавий ҳаёти ва равнақидаги ўрни”га кўра эътиборга олинган.

¹ Адабиёт назарияси, икки томли, биринчи том, Адабий асар, Тошкент, Фан, 1978, 67-бет.

² Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров, У.Норматов, О.Шарафиддинов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1999,188-бет.

“Кутлуг қон” ва “Улуғбек хазинаси” романлари таҳлилида ҳам мана шундай ўзига хосликлар назарда тутилади¹.

Бир қараашда бу асарларнинг фақат ғоявий оламига эътибор тушгандек кўринса-да, аслида ундан эмас. Буларнинг барчасида муаллиф нуқтаи назарининг рўёбга чиқиши учун ҳам қўшимча чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Матнга кўра таҳлил етакчи ўрин тутишини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу таҳлил қамровига кўра кенг ва типига кўра энг оммавийсидир. Уни барча тур ва жанрлардаги асарларга татбиқ қилиш имконияти мавжуд. Албатта алоҳида олинган ҳар бир асарга нисбатан ёндашувлар ниҳоятда хилма-хил бўлади. Масалан, мақолларнинг матни устидаги ишлар билан, фард, туюқ, рубоий, мурабба, мухаммас, мусаддас ёки ҳикоя, қисса, романлар матни устидаги ишлар бир-бирига ўхшамайди. Мақол матнида алоҳида олинган сўз, мақол таркибидаги сўзларнинг ўрни, ўзаро муносабати, унинг тузилиши эътиборда турса, нисбатан каттароқ ҳажмдаги асарларни таҳлил қилишда уларнинг матнидаги алоҳида қисмларни ажратиб олиш, шу қисмлар орасидаги алоқадорлик ва мунасабатларнинг даражасини белгилаш муҳим бўлади.

Шунга кўра матн режасини тузиш, бунда асосий, энг муҳим, биринчи даражали масалаларни ажратиб олиб, иккинчи даражалиларга берилиб кетишдан асраниш ҳам зарур бўлади. Бунда қисмлар орасидаги мантиқий боғланишларни ҳис этиш, белгилаш ва ёзувда уларни акс эттириш ҳам керак.

Режанинг хилма-хиллиги ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш лаёқатларининг кўрсаткичи бўла олади. Шунга кўра унинг фақат дарак гаплардангина иборат бўладиган шаклидан мунтазам фойдаланиш ўринли бўлмайди. Режа бандларининг сўроқ гаплардан тузилиши, режа тузишда асар матнидаги ифодалардан фойдаланиш ҳам ўқувчиларни ўйлашга, ижодий фикрлашга унрайди.

Жумладан, педагогик амалиёт чоғида, Тошкент шаҳридаги 73-мактабда 7-синф ўқувчилари томонидан Ҳамид Олимжоннинг “Холбуки тун” шеъри юзасидан шундай режалар тузилган:

1. Шеърнинг бошланиши.
2. Шеърий лаҳзалар акс этган вақт тасвири.
3. Шеърдаги бадиий-тасвирий воситалар ҳақида.
4. Шеърнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти.

Мазкур шеърга саволлар тариқасида тузилган режа куйида келтирилади:

1. Шеър қандай бошланади? Нима учун уни айнан шундай бошланган деб ҳисоблайсиз?
2. Дастрлабки олти мисрада “шағирлайди” сўзининг такрорланиб кўлланишини қандай изоҳлаш мумкин?
3. Шеърда қандай тасвир воситалари қўлланган? Улар қандай вазифаларни бажармоқда?

¹ Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). / Таълим тараққиёти. ЎзР ХТВнинг Ахборотномаси, 1-максус сон, Тошкент, Шарқ, 1999, 226-240-бетлар.

4. Шеър сизда қандай таассуротлар қолдирди?

Энди бевосита матнаги ифодалардан фойдаланиб тузилган режага эътибор беринг:

1. Шағирлайди бетиним дарё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар.
2. Шағирлайди... Бермайди уйқу,
Хаёлларим бўлар паришон.
3. Ҳолбуки тун – бунда одатда
Бутун борлиқ ухларди сокин.
4. Сойга тушдим, кўкка чиқди ой...
5. Нур ёғилди қоронги жарга.
6. Тикилганча кўзим қоғозга,
Кўлларимда титрарди қалам.
7. Ҳолбуки тун...

Ушбу режаларни тузган ўқувчиларнинг ўзларини кўрмай турибоқ айтиш мумкинки, биринчи режа муаллифи билимларни репродуктив даражада ўзлаштирган. Иккинчи режа эгаси эса матнни онгли даражада ўзлаштиришнинг уддасидан чиқкан. Матн мазмунига кўпроқ ижодий ёндаша олиш намунаси учинчи режа муаллифига тегишилдир. Демак, иш жараёнида бундай хилма-хилликлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятларини ҳам ўстириш имконини беради.

Сюжетли асарларни қайта ҳикоялаш ҳам матн устидаги ишларнинг таркибий бўлагидир. Бунда асар воқеаларини қайта баён қилиш эмас, балки бадиий асардаги муаллиф қўллаган сўзлардан фойдаланган ҳолда қайта ҳикоялашга, асардаги сўзловчи шахсини ўзгартириб ҳикоялашга, асар мазмунидаги асосий ўринларни сақлаган ҳолда, уни қисқартириб айтиб беришга, асар воқеаларига ўз шахсий муносабатларини билдирган ҳолда ҳикоялашга эътибор бериш кўпроқ самара беради.

Адабий таълимда айрим асарлар матнини қисқартириб, айрим мумтоз асарларимизнинг насрый баёнларидан фойдаланиш тажрибалари бор. Бу адаптация ҳодисаси билан алоқадор.

Айрим ҳолларда адабий адаптация меъёрларининг бузилиши ҳам кўзга ташланади. Шундай ҳодисаларнинг иккитаси йирик адабиётшунос А.Абдуғафуров эътиборини тортган эди. Улардан бири собиқ совет давридаги 4-синфлар учун яратилган “Ватан адабиёти” дарслигига Навоийга нисбат берилган бир парча билан, бошқа бири эса Навоий мактубларининг талқини билан алоқадор. Дарсликдаги парча қуйидагича:

Бор эмиш аввал замонда бир киши,
Доимо ёлғончилик қилган иши.
Бир куни уйини ўт олган эмиш,
“Қутқаринг” деб дод-вой соглан эмиш.
Сўзига ишонмабди ҳеч бир одам,
Уйи кул бўлиб ёниб кетди шу дам.
Унга айтмиш бир киши – ақли расо,
“Кимки ёлғон сўзласа, алдар эса,

Ҳар нечукким рост туур олинг сўзи,
Эл аро ёлғон эрур олинг сўзи.
Гарчи ёрдам бермади ҳеч сенга эл,
Бошқадан эмас, ўзингдан ўпка қил¹.

Олим бу тизмаларни “бадиият ва жозибадан батамом бебаҳра, ҳатто оддий вазн ва қофия талаблариға ҳам изчил риоя қилинмаган бу ниҳоятда жўн ва мажруҳ мисралар” деб тўғри баҳолайди.

Аслида бу Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги куйидаги матннинг адаптацияси бўлиши лозим эди:

Бор эрмиш бурун чоғда козибаше,
Уйига тушуб шулаъи саркаше,
Фифонлар чекар эрмиш истаб мадад,
Эшитганга бўлмай сўзи мўътамад.
Чу куймиш уйи юмуб-очқунча кўз,
Демиш анга соҳибдиле бўйла сўз.
Ки: “Ёлғон ангаким фаровон дуур,
Чини ҳам эл олинда ёлғон дуур.
Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзунгдин керақдур шикоят санга!”².

Матн устида ишлашнинг таркибий қисмларидан бири асар луғати билан алоқадор. Айниқса, мумтоз адабий асарларнинг матни устида ишлаш унинг луғавий таркибини алоҳида ўрганишни тақозо этади. Аммо бу фикр замонавий асарлар устида ишлаганда луғат устида ишлашнинг зарурати бўлмайди, деган хulosага олиб келмаслиги керак. Айниқса, тарихий мавзулардаги бадиий асарларда муайян тушунча ва ҳодисаларнинг номлари, айрим атамалар шундай изоҳларни шарт қилиб қўяди.

Шунга қарамай, луғат устидаги ишнинг мумтоз адабий асарларни ўрганишдаги устувор йўналиш эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Эндиликда ўқитувчиларнинг қўлларида бир қатор луғатлар мавжуд. Булар орасида К.Қосимова³, Ж.Лапасов, В.Рахмоновлар⁴ томонидан тузилган луғатлар, мумтоз адабиётимиз, хусусан, Алишер Навоий⁵ ва Бобур асарлари учун тузилган луғат ва бошқаларни эслатишимиз мумкин.

¹ Каранг: А.Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Мақолалар. –Тошкент, Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 58–59-бетлар.

² Ўша китоб, 60-бет.

³Қосимова К. 5-синфда луғат устида ишлаш. – Т.: Ўқитувчи, 1971.

⁴ Рахмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Т.: Ўқитувчи, 1983.

⁵ Навоий асарлари лугати. Тузувчилар: П.Шамсiev, С.Иброҳимов. Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати.Тўрт томли. I том. – Т.: Фан, 1983. II т. – 1983. III т. – 1984; IV т. – 1985.

Назорат саволлари

1. Адаптация меъёри деганда нимани тушуниш мумкин?
2. Бадиий матн таҳлилини лойиҳалаш технологияси асосида ташкил қилиш мумкинми? Фикрингизни асосланг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров. –Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. – 120 бет.
2. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 46–66-бетлар.
3. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзаллиги. – Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. – 14 б.
4. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, Ўқитувчи, 1999.
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент, Фан, 2007.
6. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
7. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. –Тошкент, O‘zbekiston, 2006.
8. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Тошкент, Фан, 2006.
9. Сайидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
10. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. Ўкув қўлланма. “Янги аср авлоди”, Т.: 2006.
11. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: 1994.
12. Қаюмов А. “Садди Искандарий” достонининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 84–103-бетлар.
13. Қаҳрамонов К. Адабий танқид янгиланиш жараёнлари. – Т.: 2010.
14. Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Тошкент, Шарқ, 2004.
15. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004.
16. Ҳаққул Иброҳим. Ким нимага таянади? Адабий сұхбатлар. – Тошкент, Зарқалам, 2006.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали:
www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
4. www.edu.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
9. www.tdpu.uz.

ГЛОССАРИЙ

Адаптация – лотинча “*adapta*” – мослаштираман, мувофиқлаштираман сўзидан олинган.

Анкета методи – педагогика ва психологиянинг илмий-тадқиқот методларидан бири. Бу метод орқали изланиш объектини ўрганиш мақсадида тузилган саволларга ёзма равишда тегишли жавоблар олинади.

Вербал муроқот – икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўз, нутқий воситалар ёрдамида фикр алмашишлари (муносабатга киришишлари).

Девиант хулқ – лотинча “*deviatio*” – оғиш, четга чиқиш сўзидан олинган бўлиб, хулқнинг меъёрдан четга чиқиши маъносини англатади. Яъни шахснинг жамиятда қабул қилинган ҳукуқий ёки ахлоқий меъёрларга қарама-қарши бўлган хатти-ҳаракатлар тизими ёки баъзи ҳаракатни содир қилиши тушунилади.

Деонтология – касбий ахлоқ, касбий бурч ва масъулият ҳақидаги таълимот. Педагогик фаолият шундай касбий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Яъни таълим-тарбия жараёнида педагог ўқувчилар билан ўзаро муносабатларга киришишда педагогик деонтология қоидаларига амал қилган ҳолда иш кўриши лозим.

Диагноз – юонча “*diagnosis*” – аниқлаш сўзидан олинган бўлиб, касалликнинг тавсифи ва моҳияти ҳақидаги қисқача тиббий холоса маъносини англатади. Ҳозирда диагноз ўрнида *ташхис* атамаси ҳам қўлланилмоқда.

Ижтимоий адаптация – лотинча “*adaptatio*” – мослаштираман ва “*socium*” – жамият сўзларидан олинган бўлиб, шахснинг жамиятда қабул қилинган инсоний қадрият, мақсад, ахлоқий меъёрларни қабул қилиш ва эгаллаш йўли билан ижтимоий муҳит шароитларига мослашишини билдиради. Алоҳида ёрдамга муҳтоҷ бола шахсининг ижтимоий мослашуви маҳсус йўналтирилган таълим-тарбия орқали амалга оширилади.

Илғор педагогик технология – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш жараёни.

Инновация – соҳага янгилик, ўзгаришлар олиб кириш жараёни ва фаолияти.

Интерфаол методлар – таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи ўқувчиларнинг ўз ва ўзаро фаоллашувларига қаратилган йўл ва усувлар йигиндиси.

Малака – машқларни кўп такрорлаш натижасида юзага келадиган автоматлашган ҳаракатлар.

Методика – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методлардан ташкил топади.

Тарбия – шахсни шакллантиришни назарда тутувчи маҳсус ташкил этилган, мақсадга йўналтирилган жараён.

Таълим – ўқитишининг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур усулларининг тизими. Таълимга эга бўлишнинг бош мезонини билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги, уларнинг яратувчанлик, инсонпарварлик йўналишида кўлланилиши белгилайди.

Фаолият – инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлари.

Этика – ахлоқий қонун-қоидалар ҳақидаги таълимот.

Ўқув дастури – ҳар бир ўқув фанидан ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ва ҳажмини белгилаб берувчи ўқув режасига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ҳужжат.

Ўқув режаси – таълим турига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ўқув предметлари рўйхати ва ҳажми, уларни ўтиш кетма-кетлиги ҳамда назорат қилиш шаклларини ўзида мужассамловчи асосий ҳужжат.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ва иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хосликлари, ўзбек тилини ўқитишда таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 соат амалий).

Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари: миллий мактаблар ва миллий гурухларда она тили сифатида ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ҳамда рус гурухларида иккинчи тил (давлат тили) сифатида ўқитишнинг ўзига хос метод ва усуллари. Ўзбек тилини ўқитишда таълим самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: оғзаки ва ёзма саводхонликни кўтариш, нутқ маданиятини яхшилаш, ўзбек тилини интенсив ўқитишга йўналтирилган таълим методларини ишлаб чиқиш.

2-мавзу. Ўзбек тилини коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитишни ташкил этиш. Таянч ва хусусий компетенциялар, уларни шакллантириш ва ривожлантириш (2 соат амалий).

Тилни коммуникатив асосда ўқитишнинг анъанавий таълимдан афзалликлари. Ҳамкорлик методи таълим субъектларини фаоллаштиришнинг муҳим омили сифатида.

Ўзбек тилини ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш. Таянч ва хусусий компетенциялар. Таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишда нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш. Лингвистик билимлар, кўникма ва малакалар воситасида талабалар нутқий компетенцияларини ривожлантириш.

3-мавзу. Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш (2 соат амалий).

Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда талабалар эгаллашлари керак бўладиган нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар. Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида

ўзбек тилини ўқитишида лойиҳа технологиясидан фойдаланиш. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар асосида ўзбек тили ўқув фани мазмунини лойиҳалаштириш.

4-машғулот. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитишининг долзарб масалалари (2 соат)

1. Она тили дарсларида адабий материаллардан фойдаланишининг шакл ва усуллари ҳақида гапириб беринг (фонетика, лексика ва синтаксис бўлимлари мисолида).
2. Бадиий образ моҳияти, уни ўқувчиларга англатиш йўл ва усулларини тугунириб беринг (мумтоз ёки замонавий адабий асарлар мисолида).
3. Бадиий асарнинг образлари таҳлилида адабий-назарий маълумотлардан фойдаланиш йўлларини изоҳлаб беринг.
4. Ўқувчиларга “Адабиётшунослик терминлари луғати”, “Имло луғати” сингари қўлланмалар ҳамда зарурӣ илмий адабиётлар билан ишлашни ўргатиш қандай амалга оширилади? Саволга ёзма жавоб ҳозирланг.

5-машғулот. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитишида узвийлик ва узлуксизлик (2 соат амалий)

1. Педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш.
2. Касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган педагогик тавсиялар ишлаб чиқинг.
3. Педагогнинг шахсий ва касбий компетентлиги тўғрисида маъруза матни тайёрлаш.

6-машғулот. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш. Лойиҳа технологияси. Ўзбек тили ва адабиёти ўқув фанларининг мазмунини лойиҳалаштириш (2 соат амалий)

1. Адабий таълимдаги муайян бир мавзунинг лойиҳа технологиясини ишлаб чиқиши.
2. Ўзбек тили ва адабиёти ўқув фанларининг мазмунини лойиҳалаштириш.
3. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш.